O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... KITOB PALATASI

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 20 май, пайшанба • 21 (3549)-сон

## ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

**18 май куни республика ИИВ Мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги Зокиржон Алматов очди ва олиб борди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари, республика ИИВ Бош бошқармалари, бошқармалари ва мустақил бўлимларининг раҳбарлари қатнашишди.**

Ҳайъат мажлисида Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Т. Муллажонов шу йил 28-31 март кунлари пойтахтимиз, шунингдек, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатларига атрофлича тўхталиб ўтди. Нотиқ жалб этилган хизматларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида қўпорувчилик хуружларининг пайи қирқилгани, аммо ўша портлашлар оқибатида ички ишлар идораларининг 9 нафар мард, жасур ўғлонлари эл-юрт осойишталиги йўлида ҳалок бўлишганини гапириб ўтди. Президентимиз томонидан "Ҳар бир милиция ходими, аввало, оддий инсондир, аммо ҳар ким ҳам милиция ходими бўла олмайди", дея айтилган сўзлар машаққатли, аммо шарафли касб эгаларига берилган юксак баҳо эканлигини таъкидлади. Шунингдек, жойларда аҳоли, кўпроқ ёшлар ўртасида терроризм ва диний экстремизм ғоялари тарқалишининг олдини олиш мақсадида маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла посбонлари ҳамда профилактика инспекторлари ҳамкорлигини янада кучайтириш долзарб вазифа эканлигини қайд этди. Бу борада ички ишлар идоралари раҳбарлари газета, радио, телевидение каби оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиб, фуқароларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлашдаги иштироклари ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришлари, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқотларни кенг йўлга қўйишлари лозимлигини таъкидлади. Бундан ташқари тезкор хизматларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, айниқса, йўл ҳаракати хавфсизлиги, патруль-пост ва профилактика хизматлари билан биргаликда кенг қамровли тадбирлар ўтказишни жонлантириш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шундан сўнг, республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, милиция полковниги У. Нарзуллаев бу йилги ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш жараёнида жамоат тартибини сақлаш, талон-торожликларнинг олдини олиш борасида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар хусусида маъруза қилди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**



***«Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, ундай миллатнинг, ундай давлатнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар. Зотан, ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир».***

**Ислом КАРИМОВ.**





*Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё*

*Отаси олдида ўз камчилигига иқрор бўлмаган фарзанд ўз касаллигини табибдан яширган бемор кишига ўхшайди.*

*«Постда» gazetasining ilovasi*

UCHUNCHI OLAM

TV

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**Мамлакатимиз парламентида "Олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳақидаги қонунларни тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Ушбу семинар-кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмиталари томонидан ташкил этилди.**

Семинар-кенгаш ишида давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, радио ҳамда телевидение раҳбарлари ва вакиллари, марказий газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А. Тўхташев, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Хўжаева маъруза қилдилар.

Шундан сўнг олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳақидаги амалдаги қонунларни тушунтириш ҳамда жамиятимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида чуқур демократик ислоҳотлар амалга оширилишини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига бўлажак сайлов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов – фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда тамоман янги босқич эканлигини таъкидладилар.

Ўзбекистоннинг янги парламенти доимий ва профессонал асосда ишлаши туфайли қонун ижодкорлиги ишининг сифати жиддий тарзда яхшиланади, унда умуммиллий манфаатлар билан бир қаторда минтақавий муаммолар ҳам тўлиқроқ ҳисобга олинади.

Буларнинг барчаси ўз навбатида қонун чиқарувчи органнинг сифат таркиби билан боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларига ҳам етакчи ўрин ажратилади.

Бўлажак сайлов кампаниясига дахлдор ва масъул эканликларини яхши англаган матбуот, радио ва телевидение вакиллари мамлакатимиз ҳаётидаги бу ўта муҳим жараённи ҳар томонлама, ҳаққоний ва холис ёритиш масалаларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

***Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ўтказилган навбатдаги илмий-амалий семинар ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланди. Унда республикамиз, шунингдек, Россия ва Қозоғистондан соҳа мутахассислари қатнашиб, бу борада жойларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашдилар.***

Илмий-амалий семинарда республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Кейинги йилларда тизимда ўтказилаётган ислоҳотлар ички ишлар идораларини ёш, жисмонан бақувват, серғайрат, чуқур билимли ходимлар билан тўлдиришни тақозо этмоқда. Айниқса, касбий, жанговар тайёргарлик ҳолати аъло даражада бўлишига катта эътибор қаратилаяпти.**



# КЎНИКМА ОЛИШДИ

Бу борада Тошкент шаҳар ИИББ ўқув марказида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Яқинда ушбу масканда вилоятлар ички ишлар бошқармалари томонидан йўлланган 280 нафарга яқин ёш ходим таълим олишни ниҳоясига етказди. Шу муносабат билан тингловчиларнинг тантанали равишда қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди. Унда ўқув маркази бошлиғи, милиция подполковниги Б. Эрматов, бошлиқ ўринбосари, милиция подполковниги С. Хонбобоев, катта ўқитувчи, милиция подполковниги Г. Мирзаева ҳамда ўқув маркази фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция подполковниги Қ. Бўроновлар сўзга чиқиб, битирувчиларга хизматда омад ёр бўлишни тилашди.

– Тингловчилар уч ой мобайнида бошланғич тайёргарликдан ўтишди, – дейди бошлиқ ўринбосари, милиция майори Ш. Ибрагимов. – Малакали ўқитувчи ва мутахассисларимиздан касбий, жанговар тайёргарлик бўйича кўникма олишди. Бу эса уларга бутун хизматлари давомида асқотишига ишончимиз комил.

**Қ. ШОКИРОВ.**

**Суратда:** *тадбирдан лавҳа.*

# ҲАММАГА НАСИБ ЭТСИН

***Наманган вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли тергов ҳибсхонасида узоқ йиллар хизмат қилган бир гуруҳ ходимлар – бўлим бошлиғи, ички хизмат капитани Фазлиддин Дусбаев, тиббий санитария бўлимининг даволовчи шифокори, ички хизмат майори Алишер Турсунбобоев, қўриқлаш ва тартибот бўлими катта назоратчиси, ички хизмат катта прапоршиги Елена Мансурова ҳамда ҳайдовчи Жўрабой Арифбоевларни нафақага кузатиш маросими ўтказилди.***

Тергов ҳибсхонаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги Йўлдошали Турсунов нафақага кузатилаётган фахрийларни табриклаб, уларнинг фаолиятлари ёшлар учун доимо ўрнак бўлиб қолиши, тажрибалари бундан кейин ҳам ёшларга асқотишини, тез-тез жамоадошларини йўқлаб туришларини тилаб қолди.

Маросимда нафақага кузатилаётган тўрт нафар фахрийларнинг ҳар бирига миллий кийимлар кийгизилиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Фахрийлар ҳам ўз навбатида фаолиятлари давомида ёшлар учун ибрат бўларли воқеаларни гапириб беришди. Маросим сўнгида иштирокчиларга байрамона дастурхон безатилиб, шўх куй-қўшиқлар ижро этилди.

**Ҳабибулло ИКРОМОВ,**
*ички хизмат майори.*



**Суратда:** *нафақага кузатиш маросими пайти.* **Муаллиф олган сурат.**

# СЕМИНАР-МАШҒУЛОТ ЎТКАЗИЛДИ

***Юнусобод тумани ИИБда профилактика инспекторларининг касбий-ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича семинар-машғулот бўлиб ўтди. Унда шунингдек, ички ишлар бошқармаси бошлиғининг профилактика ҳамда шахсий таркиб бўйича ўринбосарлари ҳам иштирок этишди.***

Семинарда қатнашаётган шаҳар ИИББнинг малакали ходимлари фуқаролардан жиноят ва ҳодисалар ҳақида тушган ариза, хабарларни қайд қилиш талаблари, диний экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш, турли оқимларга мансуб шахсларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва тезкор профилактик тадбирлар ўтказиш тўғрисида атрофлича тушунча беришди. Шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда профилактика инспекторлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида ҳам тўхталиб, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатишди.

Семинар-машғулотда шаҳар ИИББ ҲООБ бошлиғи, милиция подполковниги Н. Ўралов, ХЧК ва ФБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги З. Саидов, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги А. Азимов ва фуқаролик ишлари бўйича туман суди вакиллари маъруза қилишди.

**М. ЮНУСОВА.**

«01» огоҳлантиради

# РИЗҚ-РЎЗИМИЗ ОЛОВДА КУЙМАСИН

***Мамлакатимизнинг жанубий туманларида ғаллага ўроқ тушди. Сермашаққат меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни нобудгарчиликсиз ўриб-йиғиб, хирмонларга ғамлаб олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шундай экан нонимизни, ҳар қандай офат шу жумладан, ёнғин хавфидан асраш лозим. Ўтган йилги мавсумда айрим кишиларнинг айби билан ғалла майдонларида ёнғин келиб чиқишига йўл қўйилганини унутмаслик зарур.***

Бу йил ана шундай камчиликларга йўл қўймаслик учун янада ҳушёр, эътиборли бўлиб, масъулиятни чуқур ҳис этиш лозим. Қуйида ёнғинни келтириб чиқарадиган сабабларни эслатиб ўтамиз:

**– Ўчирмасдан ташлаб юборилган сигарета қолдиғи йўл четидаги қуруқ ўт, хас-хашакларга етиб бориши ва шу қуруқ ўтларнинг ёниши орқали ғалла далаларига тарқалиши мумкин.**

Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун темир йўллар, шоссе ва дала йўлларига яқин жойлардаги ғалла майдони четларидаги 8 метр кенгликликда ғалла поялари ўриб олиниб, шундан 4 метр кенгликдаги қисми шудгорланиши лозим.

**– Ғалла майдонларида ҳаракатланаётган техникалар, транспорт воситалари ишлаётган пайтда уларнинг тутун чиқарувчи қувур ёки учқун ўчиргичларидан чиққан учқун туфайли ёнғин содир бўлади.**

Бунинг учун мавсумга жалб этилган барча техникалар учқун ўчиргичлар билан таъминланиши ва созлиги текшириб кўрилгандан кейингина далага киришга рухсат берилиши керак.

**– Ёш болаларнинг олов ёки гугурт ўйнашлари оқибатида ёнғин юзага келади.**

Ёш болалар ғаллазорлар атрофида мол боқишлари, ўйнашлари ва мавсум давомида далага киришларига йўл қўймаслик лозим.

**– Баъзида ғалласи ўриб олинган майдонларни тозалаш учун атайлаб ўт қўйиб юборилади.**

Бу эса ернинг унумдорлигини пасайтириши, атроф-муҳитни ифлослантириши, экологияни булғаши, ўсимлик ва дарахтларни қуритиши билан бирга бошқа ғаллазорлар, ҳатто хонадонларда ёнғин чиқишига олиб келиши мумкин.

**– Комбайн ўроқларининг даладаги бирорта тош ёки металл бўлагига тегиб кетиши ҳам учқун чиқиб, ёнғин содир бўлишига олиб келади.**

Дон сақлаш омборлари ва хирмонларда ёнғин хавфи асосан электр таъминати носозлиги, нуқсони бор ғалла юклайдиган кичик механизмларини ишлатиш, хирмон яқинида сигарет чекиш ва очиқ оловдан фойдаланишга йўл қўйиш оқибатида келиб чиқади.

Хирмон ҳудудидаги ёнғинга қарши қалқонларнинг ҳар бирида бирламчи ёнғин ўчириш воситалари камида 2 та белкурак, металл илгак, болта, 2 тадан челак ва ёнғин ўчиргичлар, қалқон ёнида эса сув тўлдирилган бочка ва қумли қути ўрин олиши тавсия этилади.

Фуқароларимиз, деҳқонлар, фермерлар ва хўжалик раҳбарлари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал этиш – ғалла ҳосили, яъни нонимизни ёнғин деб аталмиш офат чангалидан сақлаб қолишнинг ишончли йўлидир.

**Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси.**

**Маънавий ва сиёсий-ижтимоий машғулотлар учун**

> **Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган барча хатарлардан, юртимизга қарши тузилаётган турли фитналардан ўз вақтида огоҳ бўлишимиз, уларни бартараф этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солишимиз зарур. Биз халқаро терроризмга қарши курашда жаҳон ҳамжамияти, биринчи галда, минтақамиздаги давлатлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишимиз даркор.**
>
> **Ислом КАРИМОВ.**

# ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

XX аср сўнггида дунё саҳнасида ўз эрки, мустақиллиги йўлини танлаган кўплаб давлатлар пайдо бўлди. Бундай янги мустақил давлатлар орасида мамлакатимиз – Ўзбекистон Республикаси ҳам бор.

Мустақиллик бу ҳаётимиз, тақдиримиз дунёқарашимиздир. Мустақил ва озод юртда яшар эканмиз, унинг ҳар бир кунини ғурур билан қаршилаб, мамлакат равнақи йўлидаги масъулиятимизни англаяпмиз.

Бугун хавфсизликка солинаётган таҳдидлар талайгина. Булар сиёсий экстремизм, шу жумладан, диний экстремизм, миллатчилик, миллатлараро ва этник терроризм, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятлардир.

Асримиз вабоси бўлмиш бу жирканч иллатнинг фақат мудҳиш оқибатларини кўрсатиш эмас, балки илдизларига етиб бориш, уни жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан таг-томири билан суғуриб ташлаш барча давлатларнинг бугунги кундаги энг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

## ИСЛОМДА ФИРҚАЛАРГА БЎЛИНИШДАН ҚАЙТАРИЛГАН

"Ҳизбут-таҳрир" норасмий, сиёсийлашган диний партияси 1953 йилда Фаластинда пайдо бўлди. Партия асосчиси Мисрдаги "Ал-Азҳар" университетини тамомлаб, Қуддус шаҳридаги шаръий шикоят судининг аъзоси вазифасида ишловчи шайх Тақийиддин Набахоний (1909–1979) эди. Мазкур диний ташкилотнинг мақсади мамлакатлардаги конституцион ҳукуматни ағдариб ташлаш йўли билан ҳокимиятни қўлга киритиб, ислом давлатини куриш-дир.

Бу партия аввалига Фаластинда араб миллатини қутқариш шиори билан майдонга чиқди. Сафига кўп одамлар қўшилавермагач, унинг номига "Исломий" сўзини қўшиб "Ҳизбут-таҳрир ал-Исломий" деб атай бошлашди.

Партия асосчиси Набахоний: "Ким бизнинг сафимизга кирса, 13 йилдан сўнг Ислом давлатини барпо қиламиз" - деб даъво қилган эди. Айтилган муддат ичида ҳатто битта ислом маҳалласи ҳам барпо этолмадди. Сабаби, "Ҳизбут-таҳрир" моҳиятан Исломга қарши партия эди. Унинг сафига кирганларнинг қанчаси қамалдилар, юртларидан қувилдилар. Аксар араб давлатларида партиянинг фаолияти тақиқланди. Чунки Қуръонни тушунганлар "Ҳизбут-таҳрир"нинг низомини ўқиб чиқибоқ, унинг Исломга эканлигини тушундилар. Зеро, Қуръони каримнинг Анъом сураси 159-оятида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган: "Эй, (Муҳаммад алайҳис-салом), динларини бўлиб, ўзлари ҳам гуруҳларга бўлиниб олган кимсалар тўғрисидан сиз бирор нарсада (масъул) эмассиз. Уларнинг ишлари фақат Аллоҳга ҳавола. Кейин уларга қилган ишларининг хабарини берур".

Оли Имрон сураси 103-оятида эса Ҳақ таоло шундай буюради: "Барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғланингиз, бўлинмангиз. Ҳамда Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: У зот сизлар бир-бирларингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйди-ю, сизлар Унинг неъмати сабаб биродарларга айландингиз. Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган эдингиз, сизларни ундан халос этди. Ҳақ йўлни топишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини мана шундай баён қилади".

Демак, Аллоҳ таоло мусулмонларга бирликни, иттифоқни, фирқаларга бўлинмасликни буюргандир. Етук диний уламоларимиздан бири айтганидек, "Ҳизбут-таҳрир" грипп ёки сил касалликларига ўхшаган юқумли касалликдир. У мияни заҳарлайди, иштдан чиқаради. Уни юқтириб олганлар бошқаларни ҳам ўзлари каби ақли заиф деб ўйлайдилар. Бу хасталикка чалинганлар жонли микробларга айланиб қоладилар. Улар билан бир неча бор суҳбатлашган киши, агар иймони мустаҳкам бўлмаса, бу дардни юқтириб олиши мумкин. Юқумли касаллик одатда беморнинг яқинларига тез юқади. Шунинг учун ҳизбчиларнинг қариндошлари бундан эҳтиёт бўлишлари лозим.

Афсуски, ўтган асрда Исломни ўзига ниқоб қилган, аммо мусулмонларнинг ораларини бузадиган фирқалар кўпайиб кетди.

Ислом динининг асл моҳиятидан бехабар, содда кишиларга "Ҳизбут таҳрир" партияси ўз таъсирини ўтказа бошлади. Афсуски, бундай кишилар орасида бизнинг юртдошларимиз ҳам бор. Бунга сабаб, биз етмиш йил динсизлар қўл остида бўлдик. Кўпчилигимиз диндан, иймондан бехабар қолдик. Динга йўл очилганда, ҳақиқий исломга ташна бўлиб турганимизда, ҳизбутчилар Аллоҳ динини эмас, ўзлари ўйлаб топган партия ғояларини ейдилар. Баъзи ёшлар бу ғояларга берилиб кетишди.

Аллоҳ таоло ҳам, Пайғамбар алайҳис-салом ҳам иймон келтиринглар ва солиҳ амалларни қилинглар, деб буюришган. Мусулмонлар яхши амаллар қилса, ҳалол, ўзаро аҳил иноқ бўлишса, бошқа диндагилар уларга ҳавас қилишади. Лекин мусулмонлар турли фитналар, уруш-жанжалларга берилиб кетишса, Ислом дини ёмонотлиқ бўлиб қолади. Ҳозирги Ислом ниқоби остида чиқаётган партияларнинг, жумладан, "Ҳизбут-таҳрир"нинг мақсади Исломни қора қилиш, ёшларни йўлдан уришдир.

Иттифоқ бор жойда баракот, яхшилик бўлади. Буни чин мусулмонлар биладилар. Лекин дин душманлари уларнинг орасига ихтилофлар солиб, мусулмонларни бир-бирларига қарши қўйишяпти. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло бу хусусда шундай огоҳлантирган: "Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, ибодатитоатга буюрадиган ва исён – гуноҳдан қайтарадиган бир уммат – жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир. Аниқ ҳужжат келганидан кейин фирқаларга бўлиниб ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундайлар учун улуғ азоб бордир" (Оли Имрон сураси, 104, 105-оятлар). Кўриниб турибдики, исломда фирқалар тузиш, мусулмонларни бўлиб ташлаш қораланади.

Ваҳоланки, "Ҳизбут-таҳрир" ана шундай бўлиниш йўлини тутади. Бу партия пирамида шаклидаги тузилма кўринишида ташкил топган. "Дорис"лардан иборат "ҳалқа"даги тўрт-беш киши "мушриф"дан сабоқ оладилар. Ҳалқа аъзолари бирбирларининг фақат исми ёки тахаллусини биладилар. Ташкилотга аъзо бўлаётган номзод ҳар қандай шароитда ҳам ҳизб фаолияти ҳақидаги маълумотларни сир сақлаш тўғрисида қасам ичади.

Партиясининг ҳар бир аъзоси ўз имкониятларидан келиб чиқиб, асосий меҳнат даромадининг 5-20 фоизини бадал (солиқ) сифатида тўлайди. Бу пуллар техник жиҳозлар, алоқа воситалари харид қилиш ҳамда хориждан келтириладиган диний-экстремистик мазмундаги адабиётлар, аудиовидео кассеталар ва уларнинг таржимаси учун ҳақ тўлашга сарфланади. "Ҳизбут-таҳрир" ташкилотининг асосий назарий мақсади икки йўналишни ўз ичига олади:

1. **Сақофий**. Партия аъзолари ислом ниқоби остида экстремистик ғоялар билан йўғрилган, ғаразли тушунтириш ишлари олиб борадилар. Бунда улар ҳар бир кишининг фикрлаш доирасига қараб ўз таълимотларига даъват этадилар.

2. **Сиёсий**. Улар жамиятда учрайдиган вақтинчалик қийинчиликлар, юз бераётган табиий офатларни кўрсатиб, агар исломнинг саҳих ҳукмлари бўлганда, бундай ҳодисалар рўй бермас эди, дейдилар.

"Ҳизбут-таҳрир" диний ташкилотининг кураш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. **Тасқиф** – тушунтириш ишлари. Онги ҳали тўлиқ шаклланмаган кишиларни, хусусан ёшларни ўз тузоғига илинтириш, фикри заиф, таъсирга берилувчан мансабдор шахсларни ўз тарафига оғдириш.

2. **Тафоул** – биргаликда ҳаракат қилиш, фикрий кураш орқали "умматни оёққа турғазиш"га эришиш.

3. **Инқилоб** – ҳокимиятни ғоявий жиҳатдан тайёрланган уммат орқали, тўнтариш ёрдамида қўлга киритиш.

Ҳақиқий мусулмонлар Муҳаммад алайҳис-саломга умматдир, унинг буйруқларига итоат этадилар. Улар ажралиш, бўлиниш йўлини эмас, бирлашиш, иноқлик йўлини тутадилар. Чунки Қуръони Каримда ҳам, Ҳадиси шарифларда ҳам шунга буюрилган.

## "ЖИҲОДЧИЛИК"НИНГ АСЛ ҚИЁФАСИ

"Жиҳодчилик" ғояси тарафдорлари аслида "Ҳизбут-таҳрир" диний- сиёсий партиясига мансуб. Улар "жамоат"ларга бирлашиб иш кўришади. Ҳар бир ҳудудагги "жамоат"га "амир" бошчилик қилади. "Жиҳодчилар" асл мақсадларини яшириш учун ўзларини ҳар қандай куч ишлатиш ва ҳокимиятга бўйсунмасликка қарши бўлган "Аҳли сунна вал жамоа" мафкураси тарафдори қилиб кўрсатишга уринишади.

Сўнгги таҳлилларга қараганда жиҳодчиларни тайёрлаш жараёнини уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич – "Илм" "жамоат"га аъзоларни ёллаб, уларга диний илмларни ўргатишни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич – "ҳижрат" ва "эъдод". Бунда "жамоат" аъзолари ташқаридан туриб, террорчилик-қўпорувчилик ҳаракатлари ўтказиш бўйича тайёргарлик кўришади.

Учинчи босқич – "жиҳод", яъни "кофирларга қарши муқаддас уруш". Бу террорчилик ҳаракатларида бевосита қатнашиш демакдир.

"Жамоат"га янги аъзоларни бевосита "амир"нинг ўзи ёки бошқа аъзолар танлайди. Бўлажак аъзо суҳбат асносида бирор жойда диний билимларни ўрганиш таклиф этилади. Одатда дастлабки машғулотларни "амир"нинг ўзи ўтади. Унинг хотини эса "жамоат" аъзоларининг хотинларига сабоқ беради. "Амира" илк дарсларданоқ аёлларни ҳижобга киришга даъват этади. Жиҳодчи аёллар ўраниб, фақат кўзлариигина очиб юришади.

Машғулотларда, дастлаб, араб ёзуви ва грамматикаси ўргатилади. Айни пайтда Қуръонга шарҳлар ва ҳадисларни ўргатишга киришилади. 1-1,5 йиллик таҳсилдан сўнг "жамоат" аъзоларига яширин чоп этилган варақалар тарқатилади. Улар бир қарашда реакцион мазмунга эга эмасдек туюлади. Аммо варақалар даъват руҳида бўлиб, аста-секин "жамоат" аъзоларини "жиҳод"га ҳозирлайди. Машғулотларда шунингдек, жиҳодчилар раҳнамоларининг даъватлари битилган аудио ва видео ёзувлар намойиш этилади.

Сўнг исломий ҳаёт тарғиб қилиниш билан бирга "амир"нинг барча кўрсатмаларини сўзсиз бажариш "Аллоҳ учун", "жиҳод учун" ҳар қандай ҳаракатга тайёр туриш лозимлиги уқтирилади.

Тахминан 1,5-2 йилдан сўнг 2-босқич бошланади. Энди диний билимларни ўрганиш ўрнини "одамлар қийинчиликда яшаётгани", "чин мусулмонлар таъқиб қилинаётгани", "динга эътиқод қилувчиларнинг қамоқхоналарда қийналаётгани" ҳақида тарғибот-ташвиқот эгаллайди. Машғулотларда турли "даъватлар" ёзилган аудиокассеталар эшиттирилади. Доимий равишда конституцион тузумни ўзгартириш зарурлиги ҳақидаги фикр тинглоувчилар онгига сингдирилади.

Одатда Чеченистон, Афғонистон, Покистон каби юртларда жанговар тайёргарликдан ўтган шахслар "ҳижрат" ва "эъдод" ташкилотчилари бўлишади. "Ҳижрат"да бўлиб келганларга қўчага чиқиш, нотаниш одамлар билан мулоқотга киришиш тақиқланади. Йўриқчилар уларга Калашников автомати, Макаров тўппончаси, қўлбола портловчи мосламалардан фойдаланиш, қўл жанги сирларини ўргатишади.

"Эъдод"дан ўтган жангарилар ўз "мураббий"ларидан уйга қайтишга рухсат олишади. Энди улар "жиҳод" бошланиши ҳақида буйруқни кутишади.

"Эъдод"дан ўтиб Ўзбекистонга қайтган шахслар ўзларининг аввалги фаолиятларини давом эттиришади. Сўраб-суриштирганларга эса 2-3 ой пул ишлаб қайтишганини айтишади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ташкилотчилар режалаштирилаётган террорчилик ҳаракати иштирокчиларини бошқалардан "изоляция" қилишади. Уларга турли жангариларнинг махсус тайёргарлиги, жанговар ҳаракатлари ва ўзини ўзи портлатиши акс этган видеокассеталар намойиш қилинади. Ўзлари тўпланадиган жойлардан ташқарида Аллоҳ номини, "биродар" сўзини тилга олиш, дўстлари ва яқинлари ҳақида ўйлаш тақиқланади. "Жиҳодчилар"га соч шаклини тез-тез ўзгартириб туриш, ярим яланғоч аёллар сурати бор сумкаларни кўтариб юриш тавсия этилади. Террорчилик ҳаракатларининг бўлажак иштирокчилари овқатига махсус препаратлар қўшилади, деган тахминлар ҳам бор.

Жамият демократлашиб боргани сайин, унинг аъзоларига таъсир этувчи ғоялар кўлами ҳам кенгайиб бориши табиий жараёндир. Бундай шароитда одамлар онгу шуурини эгаллашга интилиш кучаяди. Юртбошимиз И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаларида қуйидаги сўзларни айтиб ўтдилар: **"Бир масалада барчамиз сезгир ва огоҳ бўлишимиз даркор. "Ҳизбут-таҳрир" каби диний оқимлар аҳолининг ичида, маҳалла ва қишлоқларда ташвиқот ишини бошлаб, ўз сафига, аввало, ёшларни тортаётган пайтда найранг ишлатиб ўзини мусичадек беозор, фақатгина адолат ўрнатиш тарафдорлари деб кўрсатишга уринади. Лекин тажриба шуни кўрсатяптики, улар кучга кирганда ўзининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади".**

Ушбу сўзлардан шундай хулоса келиб чиқади: ёшларимизнинг катталарга қулоқ осиши миллатимизга хос хусусиятлигини асло эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шунинг учун бундайин "беозор", "ҳақ тарафдорлари"нинг уйдирмаларига учмасликнинг асосий йўлларидан бири бу қишлоқ ва маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида Ўзбекистон танлаб олган ҳақ йўлнинг моҳиятини, керак бўлса, мисоллар билан тушунтирган ҳолда доимий учрашувлар ташкил этишдир. Қуруқ шиорбозлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бу ҳатто акс таъсир қилиши мумкин. Келажак авлодни, аввало, мустақил, танқидий фикрлашга ўргатишимиз зарур. Ёшлар мунозаралар чоғида ўз фикрининг тўғрилигини асослаш, оқ-қорани мустақил ажратиш малакасига эга бўлиши керак. Бунда таълим муассасалари ходимларининг масъулияти, роли каттадир.

Яна бир муҳим жиҳат – уларда тўғри диний тасаввурлар, тушунчалар шаклланишига эришиш. Бу масала ҳам таълим-тарбияга боғлиқ. Агар исломшунос мутахассислар ёшларга динимиз моҳиятини, асосларини илмий асосда тўғри тушунтирсалар, ўзўзидан турли ақидапарастларнинг тарғибот-ташвиқотлари пуч, сохта, ғаразли эканлиги ойдинлашади-қолади. Бу борада диний уламоларимиз ҳам янада фаолроқ бўлишлари лозим деб ўйлаймиз. Чунки динимиз софлигини, бирлигини сақлашга, ёшларимизни комил инсон қилиб тарбиялашда унинг таъсир кучидан фойдаланишга улар ҳам масъулдирлар.

**Алишер ШАРИПОВ,**
*ИИВ ҲТ ва ОАВБАҚ бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.*

**Жасоратингизни Ватан унутмайди**

# ХАЛҚ ИЧИДА БАРҲАЁТ

Тошкент шаҳрининг А. Икромов туманида туғилиб, қўли гул наққош-уста бўлиб вояга етган Қодиржон Раҳмонов 1990 йилнинг ноябридан Шайхонтоҳур тумани ИИБ жиноят қидирув бўлими ходими бўлиб иш бошлади.

Кейинчалик патруль-пост хизматида бўлинма командири, взвод командири ёрдамчиси, ИИБ штаб сафарбарлик гуруҳи милиционери сифатида ўн уч йил ҳалол ва фидокорона хизмат қилди.

29 март куни Чорсу бозоридаги "Болалар дунёси" дўкони ёнида юз берган портлашда ҳалок бўлган Қодир Тоҳирович Раҳмоновнинг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда раҳбарият томонидан йигирма мартага яқин рағбатлантирилгани, бирор марта интизомий жазоланмаган. Иш фаолияти давомида ҳамиша касбдошларига ўрнак бўлиш билан бирга кўплаб фалсафий фикрлар, шеърларнинг муаллифи эканлиги ҳам маълум бўлди.

– Ҳар куни "Болалар дунёси" дўкони ёнида маҳаллий патруль-пост хизмати гуруҳи милиционерларининг тақсимоти бўларди, – дея ўша мудҳиш кунни эслайди дўкон қошидаги ошхона ходимаси Шарифа Мирҳусанова. – Қодиржон одатда тақсимот олдидан ошхонага кириб, иш журналини берар, мен дераза токчасига қўйиб қўярдим. Баъзан бирор пиёла чой ичарди.

Ўша куни эрталаб ҳам саломлашиб журнални узатди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай портлаш юз берди...

Биз Қодиржон Раҳмоновнинг ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида унинг хонадонида бўлдик. Жойлашиб бўлганимиз ҳамоно жуссаси нозик, лекин ҳаракатчан ўсмир бошини эгганича ҳазин овозда тиловат бошлади. Во дариғ!.. Айни ота-она бағрида яйраб, уларга эркалик қилиб, ўқиб, ўйнаб-куладиган ёшдаги фарзанд кўзларида ёш билан эрталаб ишга кетишда аъло баҳолар тизилиб турган кундалигига қўл қўйиб: "Раҳмат ўғлим. Ҳамиша аъло ўқи", – дея пешонасидан ўпиб чиқиб кетган, орадан ҳеч вақт ўтмай жонсиз танасини олиб келишган адажонисининг руҳига атаб тиловат қилса?!

– Акам меҳнат учун, одамларга фақат яхшилик қилиш, яхшиликка ундаш учун туғилган эдилар, – дейди Қ. Рамоновнинг синглиси Умида. - "Меҳнатнинг, ҳунарнинг ёмони бўлмайди, инсоннинг ёмони бўлади", дер эдилар. Оилада етти фарзандмиз. Акаларим Комилжон, Маъмуржон, Қобилжон, Собиржонлар ҳайдовчи, сотувчи, қурувчи каби турли касбларда ишлашади. Қодир акам (оилада учинчи фарзанд) ҳаммамизнинг касбимизни яхши билар, ҳайдовчи билан ҳайдовчидек, қурувчи билан қурувчидек муомала қилиб, баҳс-мунозараларда ҳамиша ғолиб чиқардилар.

Суҳбатимизга маҳзун қиёфадаги Феруза Раҳмонова қўшилди:

– Мен боғчада ишлардим. Бир куни телевизорда ногирон болалар тарбияланаётган маскан ҳақида кўрсатув бўлди. Адаси кўрсатувни бошдан-оёқ кўрдилар. Кейин:

– Онаси, – дедилар жиддий. – Сен ана шу жойга бориб ишла, оналик меҳрингни кўрсат. Шундай ишлагинки, болалар сени ўз онасидек кўриб, "ойижон" дейишга ўргансин. Лекин битта шартим: болалар уйидан уйимизга битта чўп ҳам олиб келмайсан. Аксинча, уйдан орттириб, болаларга олиб борасан.

Ўша жойга ишга кирганимдан кейин Қодиржон ака ҳам тез-тез у ерга бориб, болаларга совға-саломлар улашадиган, ҳолларидан хабар оладиган бўлгандилар.

Ҳалок бўлишларидан икки кун олдин, бозорда бир ҳуқуқбузарни қувлаб, тутаман деб, ўнг оёқлари қайрилиб кетибди. Кечаси шишиб, эрталаб ишга боролмадилар. Шу аҳволда ҳам ўғиллари билан уйдаги ҳамма гулларнинг тупроғини алмаштириб, баргларини ювибдилар. Қушларнинг қафасларини тозалаб, ҳаммаёқни гулга тўлдириб қўйибдилар. "Адаси, ўзингиз оёғингизни босолмаяпсиз. Шу ишларни қилишингиз шартмиди?" – десам, "Бекор ўтира олмадим", – дейдилар.

29 март куни эрта туриб, ишга отландилар.

– Оёғингиз оғрияпти-ку, касаллик варақаси очдирақолинг, – дедим.

– Э, онаси, мен шу пайтгача касаллик варақаси олган эмасман. Мен элим деб, юртим деб ёниб яшаётган одамман. Президентимиз бу гапни менга атаб айтган, – дедилар кулиб (шу гапни кўп такрорлардилар). – Менинг исмим – Қодир, бу – қўлидан ҳамма иш келади, ҳамма нарсага чидайди, дегани, – дея хайрлашиб, чиқиб кетдилар...

Шуниси ажабланарлики, 1973 йил март ойида, айни ўн уч ёшида турмуш ўртоғим оталаридан жудо бўлган эканлар. Ўзлари ҳам Жаҳонгиримиз ўн учга кирганида... ва яна март ойида бандаликни бажо келтирдилар.

- Турмуш ўртоғингиз ижод билан ҳам шуғулланар эканлар...

- Ҳа, у киши "Кундалик дафтар" тутгандилар. Марҳамат, ўқиб кўришингиз мумкин.

"Кундалик дафтар"ни секин варақлаймиз.

***"Робинзон Крузо" фильмини кўрганмисиз? Ёлғиз одам кимсасиз оролда қандай қилиб, ниманинг эвазига яшаб қолади? Меҳнатнинг эвазига! Меҳнат инсон ҳаётининг, умрининг биринчи мўъжизаси! Инсонни инсон сифатида улуғлайдиган, унинг гўзаллигига гўзаллик қўшадиган ҳам меҳнат. Меҳнат ҳеч қачон кишининг қадрини ерга урмайди, аксинча бўлиши, яъни одамлар меҳнатни қадрсизлантириши мумкин".***

***

***"Умр қисқа, лекин инсон ўз фарзандлари тимсолида қайта яшай бошлайди".***

***



***"Инсон боласи не кунларни кўрмайди. Ҳар бир одам ўз ғами билан бўлса, ҳаётдан кўз юмиб кетганларга умр бўйи мотам тутиб ўтса, бу кўҳна олам шу кунларга етолармиди?***

***Ҳаёт тўлқини ожизларни қирғоққа иргитиб ташлайди. Оқимга қарши суза олганлар, тўлқинни эгарлаганларгина эртанги кунга етиб келади".***

* * *

***"Ер куррасида чумолидек меҳнат қилаётганлардан кўра тупроқ тагида ётганлар кўп. Ер қатлами одам суякларига тўлиб кетган. Аммо ҳеч бир инсон оёғи тагига қараб яшамайди. Олис уфқларни мўлжалга олиб, йўл юради. Уни ҳамиша эртанги кун, яшаш, ёшариш, яратиш иштиёқи оёққа турғизган".***

* * *

***"Инсон кўзидан оққан ёшлар тўпланса уммонлар пайдо бўларди. Бу уммонлар жаҳонни ғарқ қиларди. Ерни кўз ёши эмас, пешона тери яшнатган. Инсоннинг ҳаётдан умиди кўп. Нимжон шайтон дейдилар. Кўнгилга тасалли берувчи, одамни оёққа турғизувчи, ўйлантирувчи, курашга чорловчи чигал жумбоқлар кўп бу оламда. Ҳаётнинг жами аччиқ-чучугини тотиган, айрилиқларга фил бўлиб бардош берган, халқ билан бўлган инсонгина ўз ўрнини топа билади".***

"Кундалик дафтар"да муаллиф кўрган тушини ҳам баён қилган: "Кечаси ишдан қайтаётиб, бир йигит билан танишиб, гурунглашиб келаётган эканмиз. Кўп қаватли уйлар орасидан ўтаётиб, тахтадан қурилган, бир қаватли уйни кўрибмиз. Уйнинг ичида кичкина хоналар, фақат битта катта тошойна бор экан. Ойна олдига қўйилган телевизорларни кўрган шеригим: – Бу ер устахона экан, юр, кириб, телевизорларни тузатамиз, – деди. Кириб, уёқ-буёққа қараб, турсам, шеригим бир телевизорнинг мурватини буради. Ҳамма телевизорлар бирдан ишга тушиб, атроф ёришиб кетди. Экранлардан бирида ураётган юрак кўринди. Шеригимга: "Юр, бирор инсонга ёрдам керак шекилли, қара, юракни кўрсатишяпти", дедим. Атроф қоп-қоронғу, зулмат, фақат хона ёруғ эди.

Шу пайт экранда бир аёл қиёфаси гавдаланди. У худди тобут ичидан чиқаётгандай, аста ўрнидан тура бошлади. Қўлини мушт қилиб, шеригимнинг юзига урди. Мушт экрандан чиқиб шеригимга тегди ва у шу заҳоти жон берди.

Буни кўриб мен шамол тезлигида баланд иморатлар орасига қочдим. Атроф зимистон, ҳеч ким йўқ, фақат айрим жойларда чироқ шуъласи кўринарди..."

Қодиржон тушида тобут ичидан бош кўтарган аёл ҳамласидан қочган эди, лекин... қутула олмади. Тобутдан бош кўтарган, мақсади, маслагининг тайини йўқ кимсалар аёл қиёфасидаги ажални юбориб, милиция старшинаси Қодиржон Раҳмонов ва унинг бир неча ҳамкасбларини домига тортиб кетди.

**"Ўлимдан қўрқмайман.**
**Йўқ! Асло!**
**Изсиз йўқолишдан**
**қўрқаман".**

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг XIV сессиясида айтган сўзларини ёдга олмасдан иложимиз йўқ: "Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлимининг ходими милиция старшинаси Қодир Раҳмонов ҳам одамлар ҳаётини сақлаш учун жонини фидо қилди. Юраги беғубор, шоиртабиат бу инсоннинг уч фарзанди етим қолди, дилидаги не-не орзулари ушалмас армонга айланди".

Дарҳақиқат, кўнглида кири йўқ инсонда шоиртабиатлилик хислати бўлади. Буни биз унинг "Кундалик дафтари"ни варақлаб туриб, бунга амин бўлдик.

Ҳа, Қодиржон Раҳмоновнинг ишини унинг фарзандлари Гулчеҳра, Жаҳонгир, Ҳожиакбарлар, минглаб Қодиржонлар давом эттиришади. Ҳаётини халқ осойишталигини таъминлашдек улуғ ишга бағишлаган бундай инсонлар беиз кетганлари йўқ. Уларнинг ҳалол хизмати, инсоний фазилатлари, номлари бугун минглаб ҳамюртларимизнинг тилида, дилида. Улар халқ қаҳрамони сифатида барҳаётдирлар.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

**Хотира**

## ЯНГИАРИҚДА БИР КЎЧА БОР

**Янгиариқ тумани марказида файзлигина бир кўча бор. Бу кўча марҳум ички ишлар ходими Отабой Оллаберганов номи билан аталади.**

Бундан қирқ йил олдин Янгиариқ тумани ички ишлар бўлимига қуролланган кимса тинч аҳолига тажовуз қилаётгани тўғрисида ташвишли хабар тушди. Профилактика инспектори, милиция старшинаси Отабой Оллаберганов биринчилардан бўлиб воқеа жойига етиб борганда қуролланган кимса одамларга қурол ўқталиб, аҳоли тинчини бузаётганди. Отабой ака уни қуролсизлантириш чораларини кўра бошлади. Тўқнашувда отилган ўқ унинг умрига зомин бўлди.

Ички ишлар ходими ўз жонини қурбон қилиб бўлса-да ўзгалар ҳаётини сақлаб қолди. Унинг хотираси юртдошлари қалбида сақланмоқда.

## ЭЛДА АЗИЗ

**Инсон ҳаётини безайдиган, унга бахт-саодат, бойлик, фаровонлик бахш этадиган омиллардан бири меҳнатдир. Гурланлик Жуманазар Ражабовни элга танитган ҳам меҳнат. У ўрта мактабда ўқиб юрганидаёқ дала юмушлари, ипак қурти боқишда ота-онасига ёрдамлашарди. Азалдан ҳарбийликка қизиққан Жуманазар армия сафидан қайтгач, ҳужжатларини вилоят ички ишлар бошқармасига топширди.**

Урганч шаҳар ИИБ патруль-пост хизмати милиционери лавозимига тайинлангач, ишга бор вужуди билан берилди. Тезкор тадбирларда фаол қатнашиб, қанчадан-қанча қонунбузарларнинг пайини қирқди, кирдикорларини фош этди.

Жуманазар Ражабов 1991 йил 20 август куни Урганч шаҳар деҳқон бозорида қуролланган босқинчини қўлга олиш чоғида касбига ва қасамёдига содиқ қолган ҳолда ҳалок бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан унга ўлимидан кейин "Жасорат" медали берилди.

Гурланликлар Жуманазар Ражабовнинг инсоний фазилатларини унутишмаган.

## ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

**Урганч туманидаги Анжирчилар қишлоғи бағри кенг, ширинсухан одамлар макони. Кутлимурод Рўзметов ҳам шу гўшада таваллуд топган.**

Қутлимурод ҳарбий хизматдан сўнг ички ишлар ходими бўлиб, устозларидан касб маҳоратини ўрганди.

1992 йил 26 март куни милиция кичик сержанти Қ. Рўзметов Урганч шаҳар 3-кичик туманда қуролланган босқинчиларни қўлга олишда оғир жароҳатланиб, касалхонада вафот этди. Вафотидан сўнг "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Қ. Рўзметовнинг турмуш ўртоғи Жамила опа фарзандлари Усмон, Илҳом, Ҳамза ва Ҳафизахонларга ҳам она, ҳам ота бўлиб вояга етказди. Қутлимурод аканинг ҳамкасблари, эл-улус унга имконият даражасида ёрдамлашди.

Яратганнинг ўзи шаҳид кетган ҳамкасбларимизни раҳмату мағфират қилсин.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
*Хоразм вилояти.*

«Постда» gazetasining ilovasi

# UCHINCHI OLAM

TV +

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

**Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг**

**Псков замини сирларга тўла. Масалан, ҳалигача Муз устида жанг излари топилгани йўқ. Маҳаллий археологларнинг топилмалари эса қадимги викинг аёлига тегишли бўлиб чиқди.**

**Ляда қишлоғи яқинидаги "Шайтонжар" ҳам ана шундай жойлар сирасига киради. Бир қарашда бошқа жарлардан фарқи йўқдек. Аҳоли пунктидан бор-йўғи бир ярим чақиримлик масофа ажратиб туради. Атрофидан автомобиль йўллари ўтган. Аммо бу ерда вақти-вақти билан одамлар йўқолиб туради. Бу тилсимотни ечиш учун "Комсомольская правда" газетаси таҳририяти "Шайтонжар"га ўз мухбирларини юборди.**

# «ШАЙТОНЖАР» СИРИ



Мухбир Александр Мешков

Ўтган йили 13 июлда 67 ёшли пенсионер Евгений Евгеньевич (у илгари Россияда таниқли тележурналист бўлгани учун исми шарифи сир тутилишини сўраган) Ляда қишлоғи ёнидаги шу жарда қўзиқорин тераётиб адашиб қолади. У тажрибали изқувар бўлгани сабабли шериклари аввалига хавотир олишмади. Орадан бир соат, бир кун ўтса ҳамки, Евгений Евгеньевичдан дарак йўқ эди. Ниҳоят учинчи куни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аскарлари исковуч итлар ёрдамида уни излашга тушишди. Итлар думларини ликиллатиб ангиллашар, аскарлар унинг номини айтиб чақиришар, ҳар бир бутанинг остини қараб чиқишар, аммо барча уринишлар натижа бермасди.

– Икки қадам жойда ҳам киши адашадими? – дея командирларнинг жиғи-бийрони чиқарди. – Балки, бирор танишиникида маза қилиб чой ичиб ўтиргандир. Биз бўлсак бу ерда сарсонмиз.

Ниҳоят аскарлар қисмга жўнаб кетишди. Евгений Евгеньевич эса бу вақт ичида жарда сарсон-саргардон кезар, хом қўзиқорин еб очликдан паноҳ топар ва тинимсиз худога илтижо қиларди. Вақт гўё тўхтаб қолгандек эди. Бешинчи кунга бориб пенсионернинг кўзи олдида турли манзаралар намоён бўла бошлади. Бир қараса болалар оромгоҳида кезгандек туюларди. Гоҳ ёнгинасидан юк машинаси ўтгандек бўларди. Ўнинчи куни мадори қуриб майсазорга йиқилиб тушди.

Аввалига Рудно қишлоғилик Нина хола уни кўриб қолди. Кампир қўрқиб кетиб уйига қайтди. Невараси Андрюшага кўрганларини айтиб берди. Андрей қўшни қишлоқлик ўртоқлари билан жарга йўл олди. 22 июль куни соат 19.30да у бута тагидан бировнинг хириллаб;

– Эй биродар, чекишдан бер! – деганини эшитиб қолди. Қараса ерда ётган одам чўпдай озғин эди. Андрей унга сигарет узатди. Кўплашиб Евгений Евгеньевични кўтариб касалхонага олиб келишди.

– Яна бир-икки соат топилмаса, у ўлиши аниқ эди, – дейди касалхона шифокори Лидия Павловна Старовойтова. – Дарҳол унга томчи укол қилдик.

Энди мухбирларнинг саёҳатига қайтсак. Экспедиция аъзолари бўлган журналистлар сафарга обдон тайёргарлик кўришди. Қарзларини узишди. Ҳаммомга тушишди. Тоза ич кийимлари кийишди. Ҳатто васиятнома ҳам ёзиб қолдирдилар. Сабаби бунгача жарда камида 20 нафар киши изсиз йўқолганди. Уларнинг хатосини такрорламаслик учун мухбирлар компас ва беш километр узунликдаги чилвир олишди. Резина этик, қўл фонари, Псков вилояти харитаси ҳам эсларидан чиқмади. Сафар олдидан черковга кириб ибодат қилишди.

Ляда қишлоғидаги дўкондан ҳар эҳтимолга ўн кунга етадиган егулик харид қилишди. Арoқ олишмади. Сабаби, биринчидан маст киши юрган йўлида адашиши мумкин. Иккинчидан, ирим қилишди.

Бир соат деганда машина топиб, амаллаб ҳайдовчини кўндириб Рудно қишлоғига етиб олишди. Бу ерда қария Михаил, ёш келин-куёв ва 77 ёшли Нина Ивановна Чернишёва невараси Андрей билан яшашади.

– Эҳ, тиниб-тинчимаганлар, – койиди Нина Ивановна. – Нима қиласизлар жарга бориб? Бурноғи йили ўзим ҳам у ерда адашиб қолганман. Уйга қайтаётган эдим. Бир пайт йўлимни йўқотиб қўйдим. Биламан – қишлоғимиз бир қадам. Лекин ҳеч юриб манзилимга етолмайманда. Қулоғимга бир машиналарнинг овози, бир сигирларнинг маъраши эшитилади. Яна жимлик чўкади. Овоз келган томонга юрсам ҳам яна аввалги жойимга келиб қоламан. Энди шу жин чалган жарда тунаб қолсам керак деб турувдим неварагинам Андрюша мотоциклини тариллатиб келиб қолди.

Кампирнинг ҳикоясидан кейин журналистларнинг кўнглидаги қўрқув, ваҳима янаям кучайди. Александр чилвирнинг бир учини жар ёқасидаги дарахтга боғлади. Компасга қараб турган жойларини белгилаб олди. Улар юракларини ҳовучлаб жарга қадам босишди. Саргузашт бошланди...

Саёҳатнинг дастлабки беш соати худди эртаклардагидек гўзал кечди. Жилғанинг жилдирашию қушларнинг чуғури дилларга завқ бағишларди. Ҳар бири қучоққа сиғмайдиган азим, баланд дарахтларни кўриб киши табиат қудратига тан берарди. Хуллас, бу ерда бўлган истеъдодли рассом нодир санъат намунаси яратиши мумкин эди.

Олтинчи соатга бориб компас мили безовта бўла бошлади, кейин чир-чир айланишга тушди, охири бир жойда қотиб қолди. Адашиб қолмаслик учун фақат шимолга қараб юришга қарор қилишди. Улар география дарсидан шимол томонда мох кўп ўсишини билишарди. Шу билимларига суяниб юраверишди. Мўлжаллари бўйича бир яримикки чақиримдан кейин бирор қишлоққа дуч келишлари керак эди. Аммо тўрт чақиримча йўл боссалар-да бирорта хонадонни, бошқа одам зотини учратишмади. Ҳатто вилоят харитаси нотўғри чизилгандир деган хаёлга ҳам боришди. Уяли телефонлари ишламай қолгач ваҳималари баттар ортди. Юриб-юриб ботқоқлик ичида қолишди.

Жарни кўндалангига кесиб ўтиш бўйича режалари пучга



Нина хола.

чиққач, мухбирлар ортга қайтишга қарор қилишди. Ягона умидлари энди йўл бошидан тортиб келаётган чилвирдан эди. Аммо изларига қайтиб ҳеч қанча юрмай чилвир тугади. Аниқроғи ип шу ерда узилган эди, нариги учини топиб бўлмади.

Тадқиқотчилар ваҳиманинг зўридан бақиришга тушишди: "Ҳой, ким бор? Биродарлар, ёрдам беринглар!" Бақираверив овозлари бўғилиб қолди. Аммо ҳатто акс садо ҳам бўлмади. Пича вақтдан кейин трактор овози келгандай бўлди. Қувониб ўша томонга юришди. Кўп ўтмай овоз тескари томондан кела бошлади.

– Адашиб қолмадикми? – шеригига кесатди Александр.

– Қаёққа келаётганимизни қишлоқдаги шифокорга айтган эдик-ку. У хавотир олиб одамларни бошлаб келиб қолади, – ўзи ҳам ишонмайроқ ҳамкасбига далда берди Юрий.

– Дўхтиринг бизни эсдан чиқариб юборган.

– Ҳеч бўлмаса, таҳририятдагилар билишади-ку.

– Бизни ... мукофотлашса керак.

– Мен бу йил ҳали меҳнат таътилида бўлмовдим.

Шу пайт аллақаёқдан сап-сариқ капалак пайдо бўлди. У саёҳатчилар атрофидан айланиб, гўё уларни изидан чорлагандай бўларди.

– Қара! Анови болалар оромгоҳими? – бақириб юборди Александр.

Юрий эса ҳеч қанақа оромгоҳни кўрмасди. Шундай бўлсада Александрга эргашди. Бу ёғочлар қалашиб ётган ташландиқ майдон эди. Ёнидан йўл ўтганди. Унда машина излари кўзга ташланиб турарди.

– Электр сими! – қичқирди Александр. Шу топда у оддий электр ўтказгичларни ўпишга ҳам тайёр эди. Мухбирлар симёғочларни қоралаб кетаверишди. Электр тармоғи икки томонга ажралган жойда улар гулхан ёқиб тунашга қарор қилишди. Уйқулари келмади. Гаплашгилари ҳам. Тонг ғира-шира ёришиши билан яна йўлга тушишди.

Тушга яқин биринчи одамга дуч келишди. Бир эркак машинасининг моторини кавлаштирарди. Сал бўлмаса унинг қорамойга беланган юзидан чўлпиллатиб-чўлпиллатиб ўпиб олишарди.

– Биродар, бу ер қайси қишлоқ? Егулик топиладими? – бирбирига навбат бермай сўрашди.

– Қишлоқнинг оти Лосици. Егулик хоҳлаганча бор. Ичимлик ҳам.

Журналистлар харитага қараб ҳуштак чалиб юборишди. Улар "Шайтонжар"дан йигирма чақиримга узоқлашиб кетишган эди. Йўлларидаги учта қишлоқдан бирортасига ҳам дуч келишмабди.

Москвага қайтиш олдидан улар бир пайтлар хосиятсиз жарни кезган Аким бобо билан суҳбатлашишди.

– Ҳа, роса адашдингларми? Сариқ капалакни учратдилорингми? Қора тошни-чи? Ҳойнаҳой, болалар оромгоҳига ҳам дуч келгандирсизлар? – айёрона кулимсираб сўради чол.

– Ҳа, ҳаммасига дуч келдик. Сиз сирини айтинг, сирини, – шоширишди журналистлар.

– Бир пайтлар шу атрофда Фрося исмли гўзал қиз яшаган. У Гриша деган ҳайдовчини жонидан ҳам яхши кўрган. Гришка ҳам қизни севган. Фрося ҳар куни севгилисини кутиб олгани йўл бўйига чиққан. Бир куни Гриша маст ҳолда машинасини ҳайдаб келаётиб қизни уриб кетади. Аламига чидаёлмай кабинадан пастга тушиб қора тошга айланади. Қизнинг руҳи эса капалакка айланган. У йўловчиларни, айниқса, маст-аластларни йўлдан адаштиради. Хазон бўлган бахти учун шундай ўч олар экан...

Журналистлар бу гапга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билишмасди....

Ⓝ

# BOLALAR SAHIFASI

## DONO BOBO O‘GITLARI

**Bolalarim, isrofgarchilik yomon odat. Tabiatdagi har bir ne’mat inson uchun yaratilgan. Undan tejab, tergab foydalanish lozim. Ayniqsa, suv va nonni e’zozlashni ajdodjarimiz farz amallari qatoriga qo‘shishgan. Bu ne’matlarni xor qilganlar unga zor bo‘lishi mumkinligini esdan chiqarmang.**



Kunlardan bir kun...

## MUSICHA

Sanjar maktabdan kelib, oyisi bilan ayvonda choy ichib o‘tirgandi. Ayvon chetiga bir narsa tushdi. U musicha bolasi ekan. Pati endi chiqayotgan, qip-qizil go‘sht edi.

Sanjar uni yumshoq lattaga o‘rab, avaylab qo‘liga oldi.



— Oyi, buni boqsa bo‘larmikin? — deya so‘radi.

— Pashsha, chivinlardan berib tursang katta bo‘ladi. Men esku do‘ppi beraman ichiga solib boqasan, — dedi oyisi.

Oyisi do‘ppining chetlariga ip o‘tkazib berdi, Sanjar esa ichiga paxta to‘shadi. Keyin musicha bolasini avaylab joyjashtirib, to‘rqovoq singari ustini ro‘molcha bilan yopib qo‘ydi. Har kuni ertalab, peshinda va kechki payt pashsha, chivin tutib berdi, tariq, non tashladi, suvdonni to‘ldirib turdi.

Qush bolasi kundan-kun o‘sib katta bo‘ldi. Qanot yozib uchishni mashq qila boshladi. U Sanjarga juda o‘rganib qolgan edi. Musichani uchirib yuborish fursati yetdi. Qush biroz hovlida uchib yurdi-da, keyin osmonga parvoz qildi.

## MATEMATIK JUMBOQLAR

**Qadrli bolalar, 1 dan 1000 gacha bo‘lgan sonlarni ketma-ket yozib chiqilsa, 3 raqami necha marta uchraydi?**

* * *

**Temirchiga bir zanjirning 3,4,5,6,7 tadan halqasi bo‘lgan beshta bo‘lagini olib kelishdi va barcha bo‘laklarni tutashtirishni buyurdilar. Temirchi bu buyurtmani bajarish uchun nechta halqani buzib, yana ulashi kerak?**



**Qadrli bolalar, quyida berilgan o‘zak so‘zni buzmagan holda shifobaxsh giyohlar va gullar nomini yozib chiqing.**

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | S | | | | | | |
| | | | A | | | | | | |
| | | | D | | | | | | |
| | | | A | | | | | | |
| | | | R | | | | | | |
| | | | A | | | | | | |
| | | | Y | | | | | | |
| G | U | L | X | A | Y | R | I | | |
| | | | O | | | | | | |
| | | | N | | | | | | |

## O‘TGAN SONDA BERILGAN MATEMATIK JUMBOQNING JAVOBI:

Quyonlar ota o‘g‘liga tayinlaganidek sotilmadi. Agar 30 ta oq quyonning har uchtasi 1000 so‘mdan sotilganida 10 ming so‘m va 30 ta qora quyonning har ikkitasini 1000 so‘mdan sotganida 15 ming so‘m, ja’mi 25 ming so‘m bo‘lardi. Quyonlarni aralashtirib sotgani uchun 1000 so‘m kam bo‘lgan.

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Sh | B | Y | O | X | A | N | B | O‘ | R |
| A | O | S | L | R | I | D | A | K | I |
| K | A | R | D | I | M | A | L | A | L |
| L | A | P | I | R | Q | M | A | K | L |
| L | K | A | Q | I | Q | A | L | U | A |
| I | I | L | A | U | I | Z | | R | M |
| Ch | O | Q | K | N | A | B | I | U | A |
| A | R | U | R | U | G‘ | N | O‘ | G‘ | L |
| M | G‘ | I | L | O | N | I | T | A | L |

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат полковниги **М. Ш. БАБАНИЯЗОВ**га!

Ҳурматли Махсетбой Шимбергенович! Сизни 50 ёшга тўлган кунингиз билан самимий қутлаймиз. Мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт доимо ҳамроҳингиз бўлсин. Ички ишлар идораларига раҳбарлик, ёш ходимларни тарбиялаш, юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда сақлаш йўлидаги фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.**

* * *

Транспорт ИИБ махсус батальони сардорининг ўринбосари, милиция полковниги **Абдували ФАЙЗИЕВ**ни 50 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

**Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

* * *

Республика ИИВ ИҚББ га қарашли ҳарбий қисм рота сардори, катта лейтенант **Умиджон ЗАЙДУЛЛАЕВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хизматида катта муваффақиятлар тилаймиз.

**Оила аъзолари ва қариндошлари номидан жияни Карина.**

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция полковниги **Тўра ҲАЙИТОВ**ни табаррук 70 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этадимиз. Устоз отахонга кўп йиллар саломат, бардам бўлиб, фарзандлари ва шогирдларининг камолини кўриб, сафдошлари даврасини тўлдириб юришини тилайдимиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.**

* * *

Навоий вилояти ИИБ жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи, ички хизмат полковниги **Адиз МАРДОНОВ**ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. У кишига мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, машаққатли ва шарафли хизматида омад тилаймиз. Эзгу ишларида Аллоҳ мададкор бўлсин!

**Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

* * *

Навоий вилояти ИИБ ЁХБ ёнғин ўчирувчиси, ички хизмат кичик сержанти **Икромжон ОРТИҚОВ** ва Зарафшон шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходими, милиция сержанти **Акмал ОРТИҚОВ**ларни туғилган кунлари билан қизғин қутлаймиз. Жигарбандларимизга Аллоҳдан мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва ишларида муваффақиятлар ёр бўлишини сўраймиз.

**Оила аъзолари.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**Келгуси ҳафта учун**



**Қўй.** Ҳафта айрим жиҳатларда ноқулай бошланишидан асабийлашмасликни маслаҳат берамиз. Турли хил қарама-қаршиликларга тайёр туришингизга тўғри келади. Раҳбарлар билан мулоқотда босиқ бўлганингиз маъқул. Барча қийинчиликларни енгиб ўтишга куч-қувватингиз етади. Тасодифий ҳодисалардан эҳтиёт бўлинг.



**Сигир.** Ушбу етти кун таълим-тарбия билан шуғулланувчилар учун жуда қулай бошланади. Бошқа соҳа вакиллари ҳафта давомида роса тер тўкиб ишлашларига тўғри келади. Эришилган натижадан эса кўнгиллар шод бўлади. Айниқса, пайшанба, жума кунлари қизғин иш билан ўтади. Дам олиш кунлари масалаларни ҳолатида "етти ўлчаб бир кесиш"ни маслаҳат берамиз.



**Эгизаклар.** Ўтган ҳафтадаги ноқулайликлар, қийинчиликлар давом этиши мумкин. Яқинларингиз, қариндош-уруғлар билан келишмовчилик юзага келмасин десангиз асабийлашмай, босиқроқ бўлинг. Дам олиш кунлари маданий ҳордиқ чиқариш фойдадан ҳоли эмас.



**Қисқичбақа.** Ҳафтани диний ва дунёвий илмларни ўрганишдан бошланг, омад кулиб боқади. Битим, келишувлар тузишга шошилмаганингиз маъқул. Тадбиркорлар учун қулай кунлардир. Меҳмондўстлигингизни намоён этишга пайшанба кунни танланг. Якшанба куни мириқиб дам олиш, саёҳатга чиқиш мумкин.



**Арслон.** Ҳафтанинг бошида ҳушёр бўлинг, алдаб кетишлари мумкин. Чоршанба, пайшанба кунлар ноқулай келиши кутиляпти. Атрофдагилар билан муносабатда ширинсўзлик муҳим эканлигини унутманг. Жума, шанба кунлари иш юзасидан келишувлар шартномалар имзолашга ноқулай эканлигини эслатиб ўтамиз. Якшанба куни келишиш режаларни пухталаб олишга вақт ажратинг.



**Бошоқ.** Ҳафта бироз пала-партиш бошланиши эҳтимоли бор. Чоршанба куни яқин кишилар, дўстларингиз мурувват кўрсатиш мумкин. Пайшанбада рўй берадиган англашилмовчилик, қарама-қаршиликка бардошли бўлишингизга тўғри келади. Дам олиш кунлари келгуси ишларни пухта режалаштириб олиш, фойдадан ҳоли эмас.



**Тарози.** Ҳафтанинг дастлабки уч куни нисбатан оғирроқ кечиши мумкин. Босиқлик, оқилона фикрлаш, катталар маслаҳатига қулоқ тутиш билан вазиятдан чиқиб оласиз. Бу сиз учун синов эканлигини ёдингизда тутинг. Шанба куни ўзингиздаги барча яхши фазилатларнинг натижасидан баҳраманд бўласиз обрў-эътиборли кишилар даврадан жой берсалар ажаб эмас.



**Чаён.** Қариндош-уруғлар билан келишмовчилик келиб чиқадиган ушбу ҳафтада яна бир синовдан ўтасиз. Манманлик, мансабпарастлик кишини жамиятдан ажратиб қўйишини ёдингизда тутинг. Сиз билан мартабаси юқори кишилар қизиқиб қолиши мумкин. Молиявий қийинчиликлар тезда бартараф этилади.



**Ёй.** Ҳафтанинг дастлабки кунлари келишув, шартномалар учун ноқулайроқ бўлиши кутиляпти. Чоршанба кундан бошлаб ишга киришаверингиз мумкин. Юлдузлар пайшанба, жума кунлари никоҳ ўқитиш бахт келтиришидан дарак беряпти. Шанба кунги жисмоний меҳнат ва яхши дам саломатлигингизни мустаҳкамлашга ёрдам беради.



**Тоғ эчкиси.** Ҳафта кутилмаган воқеалар билан бошланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Таваккал иш тутиш ҳар доим ҳам омадли бўлавермаслигини эслатиб ўтамиз. Асабни асраш саломатликка фойдалидир. Шанба куни омадни қўлдан берманг. Ҳаволаниб кетиш яхшиликка олиб бормайди.



**Қовға.** Ҳаётингизни ўзгартиришга киришмай турганингиз маъқул. Чунки айрим синовлар кутиляпти. Чоршанба кундан қулай кунлар бошланади. Омадни қўлдан бермай десангиз, шошилмай, инсоф билан иш тутинг. Ижодий иш билан шуғулланувчилар отни қамчилашларига тўғри келади. Дам олиш кунлари хушхабар эшитасиз.



**Балиқ.** Душанба куни кутилмаган воқеа рўй бериши мумкин. Ушбу ҳафта қизғин ишлар, синовлар, қарама-қаршиликлар, алдовларга бой бўлади. Омадли кунлар ҳам сизни четлаб ўтмайди. Эҳтиёткор бўлиш фойдадан ҳоли эмас. Дам олиш кунларидаги тушунмовчилик туфайли яқинларингиз билан низолашиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Муомалада эҳтиёт бўлинг.

Ўлчаш асбоби
Қоғоз пулни ўрганувчи фан
Миллатдош халқ
Гумон
Чопқир
Физик зарра
Сирли
Ақлий ўйин
Тушунча
Чорва озуқаси
Фазокор
...шом
Физик асбоб
Алам
Удум
Ҳазин
Товуш
Туркия шаҳри
Мукофот соҳиби
Дорбоз анжомни
Ой
Италян кимёгари
Совун тури
Миллат
Эркак исми
Бирма пойтахти
Зид
Тиғли асбоб
Нота
Фан
Доир
Йўлбошчи
Матони пардозлаш
Чечак
Хитой шаҳри
...тоб
Мулкдор
Овоз кучайтиргич
Металл
Ёш дарахт
Европадаги пойтахт
Тармоқ
Такрор
Тоғ жинси, маъдан
Тасдиқ ифодаси
Холис
Том...
Француз рассоми
Цирк артисти
Соз
Мушук ҳолати
Меҳнат
Том ёғочи..
Хона
Давра қўшиғи
Қадимги Хитой ўйини
Рус шаҳри қалъаси
Устоз хонанда
Сув манбаи
Яқин киши
Фаолият ҳуқуқи
Сув йўли
Спорт анжомни
Қаллиқ
АҚШ конгресси биноси
Машҳур
Уй
Бино замини
Рўзғор жиҳози
Уй қисми
Аёл исми
Назмий асар
Ҳўл мева
Пул бирлиги
Айлана қисми
Сўз туркуми
Қадимий мол-мулк ҳужжати
Ўргатилмаган
Ошиқ томони
Пул бирлиги
Қул...
... боб
Айний асари
Магнит қотишмаси
Она (шева)
Ягона
Кўзбойлоқчи
Океан
Айлана ўлчами
Самарқанд обидаси
Физик зарра
Самоёт
Халқ ҳомийси











К. ОРИПОВА тузди.

## ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: Абадиёт. Мониторинг. Ара. До. Али. Ит. Гагарин. Крит. Субҳони. Хон. Катод. Гина. Обой. Назд. Ораста. Луқмон. Сада. Каттақўрғон. Умар. Сатр. Лоақал. Разведка. Баболоб. Сел. Бир. Мироқи. «Равшан». Отишма. Акса. Аён. Адо. Агаменнон. Мудом. Арк. Нақшинкор. Ҳал. «Тико». Ўра. Инкор. Бас. Мадда. Радиозонд. Зонд. Орион. Сиртмоқ. Амалдор. Розетка. Новвот. Тақ. Са. Миниатюра.

БЎЙИГА: Галсуорси. Зинин. Асака. Об. Ари. Ондатра. Ва. Авлиё. «Ан». Бурган. Охират. Ҳайкалтарош. Атама. Кул. Ғурур. Нуридийда. От. Ламбада. Орбита. Зоолог. Се. Қанот. Тасма. Гидрогенератор. Омин. Қат. Олмагул. Беадад. Дуркун. Ис. Або. Омоним. Оқибат. Осака. Қарор. Бўрк. Емак. Нўш. Қоқи. Жала. Матн. Завод. Азон. Ҳинд. Саодат.

КАЛИТ СЎЗ: Қаноатли кишида ҳасад бўлмайди. *(Абдуллақодир Нурий Ал-Барзанжий ҳикмати).*

# СПОРТ+ФУТБОЛ

**“Фалокат оёқ остида”, дейдилар. Хоҳлаймизми-йўқми кундалик ҳаётимизда бир кўнгилсизликка йўлиқишимиз, жабрланиб қолишимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби битта – эътиборсизлик. Худди шунингдек, ёнғин офатининг юз беришида ҳам ана шу омил замин тайёрлаб беради.**

## ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ



Айни пайтда Самарқанд вилояти Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳам ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам йўлга қўйилган, корхона ва ташкилотларда текширувлар олиб борилмоқда. Содир этилган ёнғинни тезда бартараф этиш эса ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг малакаси, касб маҳорати, чаққонлиги ва жасоратига боғлиқ.

Яқинда Самарқанд шаҳрининг Хишрав кўрғонида жойлашган ёнғин хавфсизлиги бошқармасида амалий-тактик машғулот ўтказилиб, соҳа ходимларининг тажриба ва маҳоратларини синовдан ўтказилди.

Мусобақалар якунига кўра умумжамоа ҳисобида Самарқанд тумани 11-КЁХҚ шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллашди. Каттақўрғон шаҳар 6-ҲЁХҚ жамоаси эса иккинчи бўлишган бўлса, Самарқанд шаҳар 9-ҲЁХҚ учинчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиблар бошқарманинг қимматбаҳо совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.



Хишрав қўрғонида кун бўйи давом этган ушбу тадбир ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимларининг касб маҳоратларини синаш билан бирга уларнинг ўзларига нисбатан ишончларини мустаҳкамлади.



**Б. МУСУРМОНҚУЛОВ,**
*Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти.*

*Суратларда:* ***мусобақалардан лавҳалар.***

## ХОТИРА ТУРНИРЛАРИ

***Навоий вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички хизмат катта лейтенанти Иноят Файзиев ҳамда милиция сафдори Жўрабек Очиловлар хотирасига бағишланган футбол турнири бўлиб ўтди.***

Турнирнинг очилиш маросимида қатнашчилар ва таклиф этилган меҳмонлар марҳум милиция ходимлари хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этдилар.

– Беш йилдан буён хотира турнири анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда, – дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги К. Раҳматов. – Дастлаб олтита футбол жамоаси катнашган бўлса, бу йил улар сони 18 тага етди. Мусобақалар жараёнида пухта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилиб турди.

Тўрт кун давом этган беллашувларда вилоятдаги жазони ижро этиш муассасалари ходимлари айниқса, фаоллик кўрсатиб, фахрли ўринларини эгалладилар. Жумладан, ички хизмат полковниклари А. Мардонов раҳбарлик қилаётган ЖИЭМ жамоаси биринчи, Э. Ҳамроев бошчилигидаги ЖИЭМ иккинчи, М. Абдуллаев раҳбарлиги остидаги ЖИЭМ ва вилоят ИИБ ЁХБ жамоалари эса учинчи ўринни эгалладилар. Шунингдек, бошқарма ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ҳамда ЙҲХБ спортчилари ҳам фаол иштирок этишди.

Турнир якунида ғолиб жамоаларга ҳамда марҳум ходимларнинг оила аъзоларига пул мукофотлари, эсдалик совғалари топширилди.

– Ҳар йили баҳорда шундай хайрли тадбирни ташкил қилаётган вилоят ИИБ раҳбарлари барака топишсин. Ўғлимнинг хотираси сафдошларининг ҳам ҳамон ёдида эканлиги кўнглимни тоғдай кўтарди, – дейди И. Файзиевнинг онаси Ҳалима ая.

**Н. РАҲИМОВА.**

* * *

Учкўприк туманидаги 37-ўрта мактабида марҳум милиция катта сержанти Абдуқаҳҳор Сулаймонов хотирасига бағишланган волейбол мусобақаси бўлиб ўтди. Турнирга туман ИИБ ва “Ватанпарвар” мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти бош-қош бўлишди.

Мактаб ўқувчилари жамоалари қизғин беллашувга киришдилар. Қизлар жамоаси ҳам ўғил болалар билан тенгма-тенг баҳс олиб боришди. Мусобақада меҳмонлар 5-ўрта мактаб жамоаси 1-ўринни, мезбонлар – 2-ўринни эгаллашди. Уларга ташкилотчилар ҳамда марҳум А. Сулаймоновнинг синфдош дўстлари қимматбаҳо эсдалик совғалари топширишди.

**Тоҳиржон ЙИГИТАЛИЕВ,**
*Фарғона вилояти.*

***Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионатида 9-тур учрашувлари ўтказилди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: Нефтчи-Трактор - 5:2; Андижон-Пахтакор - 0:5; Насаф-Бухоро - 1:0; Локомотив - Машъал - 1:0; Навбаҳор-Сўғдиёна - 4:0; Сурхон-Металлург - 1:0; Қизилқум-Самарқанд-Д - 2:0.***

**9-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ**

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т–Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.Пахтакор | 8 | 7 | 1 | 0 | 26-1 | 22 |
| 2. Навбаҳор | 9 | 7 | 1 | 1 | 22-3 | 22 |
| 3. Нефтчи | 8 | 7 | 0 | 1 | 20-5 | 21 |
| 4. Насаф | 9 | 6 | 1 | 2 | 17-5 | 19 |
| 5. Локомотив | 9 | 3 | 4 | 2 | 9-5 | 13 |
| 6. Сурхон | 9 | 4 | 1 | 4 | 12-15 | 13 |
| 7. Қизилқум | 9 | 3 | 2 | 4 | 12-16 | 11 |
| 8. Металлург | 9 | 3 | 1 | 5 | 6-16 | 10 |
| 9. Бухоро | 9 | 3 | 1 | 5 | 6-18 | 10 |
| 10. Трактор | 9 | 3 | 0 | 6 | 9-20 | 9 |
| 11. Машъал | 9 | 2 | 2 | 5 | 11-13 | 8 |
| 12. Андижон | 9 | 2 | 1 | 6 | 8-19 | 7 |
| 13. Суғдиёна | 9 | 2 | 1 | 6 | 4-15 | 7 |
| 14. Самарқанд-Д | 9 | 2 | 0 | 7 | 7-18 | 6 |

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**# Кеча ЎФФда 2004 йилги Ўзбекистон Кубоги баҳсларининг 1/4 финалига қуръа ташланди. Дастлабки учрашувлар 29 май куни, жавоб ўйинлари 12 июнга мўлжалланган. Сўғдиёна – Пахтакор; Трактор – “Бухоро; Қизилқум – Машъал; Локомотив – Нефтчи.**

**# Футбол оламида иккита йирик воқеа нишонланади – ФИФА 100 ёшга, УЕФА эса 50 ёшга тўлади. ФИФАга тегишли бўлган тадбирлар бошланиб кетди. Шу муносабат билан ЎФФ бош котиби Бахтиёр Раҳимов ва унинг ёрдамчиси Сардор Раҳматуллаевлар тадбир ўтказилаётган жой – Парижга жўнаб кетишди. Икки кунлик тадбирда (20-21 май) асосан ФИФАнинг юбилей муносабатига бағишланган 54-конгресси ўтказилади. Тадбир Франция – Бразилия миллий терма жамоаларининг ўртоқлик учрашуви билан якунланади. Шунингдек, ФИФА йўриқчиси, ОФК техник маслаҳатчиси, футбол «профессори» Рустам Акромов ҳам Парижга сафар этди. Акрамов ФИФАнинг вакили сифатида таклиф этилган.**

**# Қозоғистон клубларида тўп сураётган легионерларимизнинг ўйинларини кузатиш мақсадида миллий терма жамоамизнинг маслаҳатчи-мураббийи германиялик Юрген Гёде Қозоғистонда бўлди.**

**# Афинада ўтадиган Ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритиш учун шу йилнинг 4 май куни Карачи (Покистон) шаҳрида ўтказилган Халқаро турнир боксчиларимиз навбатдаги имкониятга эга бўлдилар. Таниқли чарм қўлқоп устаси Ўткирбек Ҳайдаров бу имкониятни қўлдан бой бермади ва ўз ҳаётида учинчи бор нуфузли мусобақада иштирок этиш бахтига сазовор бўлди.**

**# Профессионал бокс юлдузлари – ака-ука Кличколар навбатдаги жангларига ҳозирлик кўришни бошладилар. Москва шаҳрида ўтадиган жангда улар ўзаларига рақиб этиб, амалдаги жаҳон чемпионларини, шунингдек, Леннокс Льюис, Рой Жонс ва Майк Тайсонларни танлашган.**



ИБРАТ

# ЯХШИЛИК УРУҒИ УНМАЙ ҚОЛМАЙДИ

– Сизни сўраб бир чол-кампир келиб кетди, – деди Наташа ишдан қайтган турмуш ўртоғининг кителини қўлига оларкан.

– Кимлар экан, чой қўйдингми олдиларига? – чарчоғини ҳам унутиб қизиқсинди Шуҳрат.

– Ҳа, бироз ўтириб, нафасларини ростлагач, "Ғуломжоннинг ота-онасимиз. Эрингизни кўриб, раҳмат айтгани келувдик", дейишди.

Шуҳрат қайси Ғулом эканлигини эслашга уринди. Ҳа, бу бурноғи йили жазодан муддатидан илгари озод этилган йигит. Хотини "ўғри эр билан яшамайман", деб бир ўғлини олиб ажрашмоқчи бўлганди. Мана, шунгаям икки йилдан ошибди.

Ўшанда Ғулом тушкунликка тушиб, аламини ичкиликдан олар, кўча-кўйда гандираклаб, дуч келган жойда ётиб қоларди. Унинг бу ҳолати Шуҳратни бефарқ қолдирмади. У Ғулом билан юзма-юз, узоқ гаплашди, юрагига йўл топа олди. Кейин Ғуломга билдирмай, хотини Гуландом, қайнона-қайнотаси билан ҳам суҳбатлашиб, уларни шаштидан қайтаришга ҳазилакам уринмади. Ғуломни ишга жойлаштириш осон кечмади. Кўп ўтмай ишдан ҳориб қайтган Ғуломни чиннидай тозалаб қўйилган уй остонасида хотини Гуландом ўғли билан кутиб олиши унинг учун кутилмаган мўъжиза бўлди.

– Шуҳрат ака, сизга миннатдорчилигимни қандай билдирай, қанча раҳмат айтсам шунча оз, – деди у эртаси куниёқ инспекторга учрашар экан севинчини ичига яшира олмай.

– Энди қадамингни ўйлаб бос. Тўғри юрсанг, менга миннатдорчилигинг шу бўлади. Хотининг, болангга меҳрибон бўл, уларнинг ишончини оқла.

Шу-шу Ғуломнинг ҳаёти изга тушиб кетди. Унинг ота-онаси Шуҳратни дуо қилишгани қилишган. Ахир улар кўзларининг оқу қораси бўлган яккаю ягона фарзандининг ножўя ишларидан изтироб чеккан, гулдек умрининг жиноят ботқоғида унмай сўлишини истамаётган – ота-она эдиларда. Мана, битта невара иккита бўлди. Ўғилнинг турмуши бинойидек. Бунга шукр айтмай бўладими?

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ ҲООБ озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишини назорат қилиш гуруҳининг катта инспектори милиция майори Шуҳрат Раҳматуллаевнинг ҳаётида бундай воқеалар тез-тез учраб туради. Йигирма йилдан бери шу соҳада ишлаётгани учун бу ерга келиб-кетувчиларнинг феъл-атворини яхши билади. Шунча хизмати давомида кўплаб маҳкумларга нафақат тўғри йўлларини топиш балки оилаларини тиклашга ҳам ёрдам берди.

Абдуқаҳҳор Э. катта миқдордаги моддий-товар бойликларни ноқонуний равишда республикамиз ҳудудига олиб кираётганида ушланганди. У 3 йилга аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этилди. Умр йўлдоши тўрт фарзандини олиб уйдан кетиб қолди. У муассасадалигида хотини сиртдан ажрашишга ҳужжат тайёрлай бошлади. Абдуқаҳҳор бундан хабар топгач, қўли ишга бормайдиган, одамови бўлиб, тушкун кайфиятга тушди. Муассасани тарк этмаслик учун хулқини ўзгартириб, арзимаган нарсаларни баҳона қилиб жанжал чиқарарди. Амнистия туфайли у шартли озодликка чиқарилди. Уни назоратга олган Шуҳрат синчиклаб текширса, борар жойи ҳам йўқ экан. Хотини уйни сотиб, орқаваротдан ажрашиб улгурган, ота-онасиникига кетиб қолганди. Шуҳрат сўраб-суриштириб оиласини топди, хотини, фарзандлари билан гаплашди. Замира шошма-шошарликда қилган ишидан пушаймон эди. Фарзандлари ҳам отасини жуда соғинишганди. Оила-аъзолари қайтишга рози, бироқ Абдуқаҳҳор қайнота-қайнонанинг уйида ичкуёв бўлиб яшашга, вақтинча бўлса-да яшаб туришга кўнармикан? Йўқ, у бунга кўнмади. Шуҳрат Абдуқаҳҳордаги ор-номус, ғурурни кўргач, хурмати ошди. Демак, унга ишонса бўлади.

А. Ортиқов номли ширкат хўжалиги раиси Шуҳратни тўғри тушунди. У ҳудуддаги эгасиз, ташландиқ уйни оиласига ажратиб берди. Шу хўжаликдан иш ҳам топиб қўйди. Ҳозир бу оила яшаётган уйни кўрсангиз қачонлардир ташландиқ, хароба эканлигига ишонмайсиз. Абдуқаҳҳор ҳалол меҳнати, қадоқ қўллари билан уни кошонага айлантирди. Фарзандларини ҳам тартибли, меҳнатсевар, одобли қилиб тарбиялаяпти.

– Дарахт бир жойда кўкаради, деганларидек, – дея гап бошлади вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Собир Ҳусанов. – Шуҳрат Янгийўл шаҳрида туғилиб ўсди. Янгийўл тумани ИИБ жазони ижро этиш инспекциясида, мана, йигирма йилдирки, хизмат қиляпти. Унинг мазкур соҳада орттирган тажрибасини ҳар қанча ўргансак оз.



У нафақат хизмат, балки инсонийлик бурчини ҳам бажарадиган ходим. Шуҳратнинг адашганлар тақдирига лоқайд қаролмаслиги, улар йўлини ёритишга интилиши боис ҳатто собиқ маҳбуслар ҳам ҳурмат қилишади. Зотан, бу хизматнинг ўзига хос оғирлиги, машаққати бор. Ўз туғишганлари, фарзандлари, қариндош-уруғи юз ўгирган, жамият тан олгиси келмаган одамлар билан ишлаш, мулоқотда бўлиш, уларга ёрдам бериш – бу жуда мураккаб вазифа.

Қадимгилар яхшилардан ёмонлар ҳам яхшилик кутади, деб бежиз айтишмаган.

Комил Б. ўғирлик ва фирибгарлик жиноятлари бўйича бир неча марта судланган. Бироқ бу Комил учун сабоқ бўлмади. Унинг тез-тез қамалишидан безган Гулзора эри билан ажрашди. Хотинининг ташлаб кетиши ҳам Комилни бу йўлдан қайтара олмади. У яна фирибгарлик қилиб қамалди.

– У шунчаки эмас, жуда ҳадисини олган фирибгар эди, – кулиб сўзлади инспектор, милиция капитани Бекмирза Ҳожиматов. – Шуҳрат ака у билан кўп суҳбатлар ўтказди. Мен: "Бу одамга ишониб бўлмайди, сизни ҳам алдаб, фириб бериб кетади", десам Шуҳрат ака мийиғида кулиб қўя қолардилар. Комил озодликка чиқиши билан уни жамоа хўжалигига ишга жойлаштирди. Мен, энди тамом, бу ерни ҳам расвосини чиқариб, Шуҳрат акамнинг юзини шувит қилади, деб хавотирда юрдим. Буни қарангки, у ҳалол, берилиб ишлаб кетди.

Шуҳрат Раҳматуллаев ўз касбини жуда эъзозлайди. У тўғри йўлга тушган одамни кўриб қувонади. Ёрдам бергани, унга куч-қуввати, вақти, имкониятларини сарфлагани учун эмас, балки шу инсоннинг ўзи хатосини тушунгани, ҳаётнинг мана шундай ёрқин, қувончли томонларини кўра олганидан дили ёришади. Яхшиликни ёмонликдан, меҳр-мурувватни ёвузликдан, оқни қорадан ажрата олгани умид бахш этади. Ҳалолни ҳаромдан ажрата олдими, демак ёмонлик қилмайди, деб ўйлайди у ва бунга ишонади.

– Қизим Элмира ўттизга кирмай гиёҳвандликка берилиб кетди, – кўзда ёш билан ҳикоясини бошлади ҳозиргина ички ишлар бўлимига Шуҳрат Раҳматуллаевни сўраб келган аёл билан суҳбатлашганимизда. – Эри бир ўғли билан ташлаб кетди. Аввал ичкиликка берилди, сўнгра... – бир оз тин олиб, ўзини тутгач, сўзида давом этди. – Ўғлига умуман қарамай қўйди. Алламаҳалгача сандироқлаб юришга одатланди. Ўғлининг ҳаққи-ҳурмати тартибга чақирсам мени силтаб ташлар, боласини дўппосларди. Нима қилишни билмасдим. Бироқ, охири вой бўлишини кўнглим сезарди. Секин-аста уйдаги нарсалар сотила бошланди. Милицияга бориб айтай десам, қамалиб кетишидан қўрқдим. Даволатай, десам, "аввал ўзингни давола" деб дағдаға қилади. Кўп ўтмай мен ўйлаган нарса юз берди. У қамалди. Неварам билан ёлғиз қолдим. Унинг қамоқхонадан яхши одам бўлиб чиқишига кўзим етмасди. Худога кечаю-кундуз илтижо қилдим. Аллоҳга шукр, оҳу-нолаларим етиб бордими, қизим аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этилди. Мен хумор тутиб, яна эски "ҳунарига" қайтади, деб қўрқардим. Шуҳрат Раҳматуллаев қизимни бу ботқоқдан олиб чиқди. Ҳозир қизим туман маиший комбинатида тикувчи (айтгандек, у жуда уста тикувчи эди), аёлларнинг мақтов-олқишларини олиб юрибди. Менга, ўғлига муносабати яхши. Рўзғоримизни ҳам бутлаб олдик. Қўни-қўшнилар унга иш олиб чиқишяпти. Қизимни ҳаётга қайтаргани учун Шуҳратни ҳар қанча дуо қилсам, ҳар қанча мақтасам арзийди.

Халқимиз "Олтин олма, дуо ол", деб бежиз айтмаган. Шуҳратнинг ота-онаси – Шермат ака ва Муяссархон оналар у ҳамиша халқ эъзозида, эл хизматида бўлишини орзу қилишган. Йиллар ўтиб, уларнинг орзуси ушалди. Икки фарзанднинг меҳрибон отаси. "Кимларгадир қилаётган бу эзгуликларим менга, менга бўлмаса фарзандларимга, фарзандларимнинг фарзандларига қайтишига ишонаман", дейди у. Ҳа, яхшилик ҳеч қачон унутилмайди. Яхшилик эртами кечми, ҳозирми, кейинми барибир қайтади.

**М. ИБРАГИМОВА.**

Бир жиноят тафсилоти

# «ЖАНГАРИ БОЛА» ЁХУД АДАШГАН ҚОТИЛЛИК

1999 йил 9 март. Мактабдан қайтган Абдулла сумкасини бир четга қўйди-да, уй тўрига ўтиб, телевизор тугмасини босди. Экранда "Оловуддиннинг сеҳрли чироғи" бадиий фильми намойиш қилинаётган экан. Кино Абдулланинг жону дили. Чет эл фильмлари, айниқса, жангари фильмлар бўлса-ку телевизорга "кириб кетгудек" бўлиб томоша қилади.

Абдулланинг қорни очиққан бўлса-да, дастурхонга қарамасдан кинога берилди.

Нариги уйда беш яшар укаси Романжонни ухлата олмасдан жиғибийрон бўлаётган Озода Абдуллага зарда қилди:

– Бир соатдан бери Романни ухлата олмаяпман, сен бўлсанг мактабдан келишинг билан телевизорга ёпишганинг-ёпишган, бор, уни кўчада бир пас ўйнатиб кел!

– Яхши, кўп бақираверма, кинони кўриб олай, кейин ўйнатиб келаман, – кўрс жавоб берди опасига қайрилиб ҳам қарамасдан Абдулла.

– Минг марта кўргансан шу кинони, такрор-такрор кўрганинг билан мойи чиқармиди? Тур ўрнингдан!

Озода бориб телевизорни ўчирди. Опасининг жаҳли чиқиб турганини кўрган Абдулла ноилож укаси Романжонни қўлидан тутди-да, кўчага етаклади.

Абдуллаларнинг уйи шундоққина катта йўлнинг ёқасида. Уйларининг ўнг тарафида кичикроқ очиқ майдон бўлиб, катта-кичик болалар гоҳ-гоҳида шу майдончада футбол ўйнашади. Ўша куни ҳам айни туш маҳали бўлишига қарамасдан бир нечта бола кўчани бошларига кўтариб, қий-чув билан футбол ўйнашарди.

Абдулла "Романжон, ҳеч қаёққа кетмасдан шу ерда ўйнаб ўтир" – деди-да, беш яшар болани йўл ёқасида қолдириб, ўзи футбол ўйинига берилди.

Орадан қанча вақт ўтди – ҳеч ким билмайди. Қандайдир машинанинг чийиллаган тормоз овози йўловчиларнинг ҳам, футбол ўйнаб юрган болаларнинг ҳам, уйдаги Озоданинг ҳам диққатини ўгирди. Озода кўчага отилди. Абдулланинг оёқ-қўли мадорсизланиб, Романжон ўйнаб ўтирган томонга қаради. Лекин у жойида йўқ эди.

Романжон акаси қўйиб кетган жойда бир оз ўйнаб ўтиргач, йўлнинг нариги томонига ўтиш учун югуриб катта йўлга чиққани замон "Москвич"га урилганди.

Машина эгаси Икром Якубов бўлиб ўтган воқеадан бир зум карахт бўлиб қолди, сўнгра ўзини қўлга олиб, зудлик билан йўлнинг ўртасида йиқилиб ётган боланинг устига энгашиб кўкрагига қулоқ тутди, бахтига бола тирик, қимирламаса ҳам нафас олаётганлиги сезилиб турарди.

У югуриб келаётган Озодани ҳам кутиб ўтирмасдан, болани машинасига ётқизиб, энг яқин шифохоналардан бирига олиб борди.

Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари, Романжоннинг ота-онаси-ю, ҳайдовчи йигит Икромнинг Парвардигорга қилган илтижоларига қарамасдан, олган тан жароҳати натижасида Романжон шифохонада вафот этди.

Шу ҳолат бўйича суриштирув ишларини олиб борган Хива тумани ИИБ тергов бўлинмаси ходимлари автомашина ҳайдовчиси Икром Якубов меъёрий тезликдан ҳам паст тезликда келганлигини, бола билан автомашина оралиғидаги масофа жуда қисқа бўлса ҳам кутилмаган ҳолатда чиқиб қолган болани кўриши билан тормозни босганлигини аниқлади. Бундан ташқари, эксперт хулосаси ҳайдовчи бу вазиятда машинани тўхтата олмаслигини, агар ҳайдовчи малакали бўлмаганда бола шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмиши мумкинлигини кўрсатди.

Хива тумани ИИБ тергов бўлинмаси қароридан кўчирма:

"Хива тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси, милиция лейтенанти Бекчановнинг 1999 йил 17 мартдаги жиноят ишини рад қилиш ҳақидаги қарори билан Икром Рўзметович Якубовнинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун унга нисбатан жиноят иши қўзғатмасдан рад қилинсин".

Беш яшар жигарбандидан ажралган ота-она терговчининг бу қароридан норози бўлиб, юқори ташкилотларга шикоят қилди. Мутасадди раҳбарлар бу шикоятни атрофлича ўрганиб чиқиб, Хива тумани ИИБ тергов бўлинмаси қарорини ўз кучида қолдирди.

Афсуски, Романжоннинг ота-онаси Икром Якубовни ўзларича қоралаб, уни "гуноҳкор" деб билдилар. Бу ҳангомаларни кузатиб ўтирган 12 яшар Абдулланинг онгига Икром укасининг қотили, лекин у жазоланмади, деган ёвуз тушунча ўрнашиб қолди ва у шу тариқа ҳайдовчини ўлдиришга қатъий аҳд қилди.

Келинг, шу ўринда ҳайдовчи Икром Якубовнинг хатти-ҳаракатини ҳеч қандай қонунларсиз, инсонийлик нуқтаи назаридан кўриб чиқайлик.

И. Якубов тормоз педалини босгандан то жабрланувчи Романжон дунёдан кўз юмгунга қадарли бўлган вақт оралиғида инсонийликнинг энг олий тамойилларига тўла-тўкис амал қилди. Шифохонада ҳам қўлини кўксига қўйиб, бир оғиз сўзга маҳтал бўлиб, саккиз кеча-кундуз давомида Романжоннинг шифо топишини, шифокорлардан уни тузалиб кетишига ёрдам беришларини кўзида ёш билан ўтиниб сўради. Нимаики дори-дармон керак бўлса, ҳаммасини топиб келишга астойдил ҳаракат қилди. Лекин Романжоннинг ҳаётини асраб қолиб бўлмади.

У ҳам бир муштипар онанинг боласи, шириндан-шакар фарзандларининг отаси, энг асосийси, жамиятимизнинг тўлақонли бир аъзоси. Беш яшар Романнинг фожиали ўлими қанчалик оғир бўлсада, ўн гулидан-бир гули очилмаган гўдакнинг бевақт хазон бўлганлигини кўриб; юраклар куйса-да, унинг ўлимида Икромни жазолаш инсонийлик нуқтаи назаридан ҳам, қонунларимизда кўрсатилган тартибда ҳам ҳеч қандай қолипга сиғмас эди.

"Икром Якубов – айбдор!" – деган тушунча Абдулланинг ота-онаси хаёлидан кетмай қолди. Бу фикр Романжоннинг акаси Абдулланинг онгини заҳарлади. У ўч олишга қарор қилди.

"... Жангари бола" (воқеамиз давомида Абдуллани шу ном билан аташга қарор қилдик) 1999 йилнинг 25 мартидан ўч олиш учун пухта тайёргарлик кўра бошлади. Илк тайёргарликни спортнинг оғир атлетика тури (тош кўтариш) билан шуғулланишдан бошлаб, бу йўлда, ҳаттоки тунлари ширин уйқусидан воз кечди. Детектив китобларни муттасил ўқиб, "рақиб"ни



ўлдириш йўлларини ўрганди. Чет эл жангари фильмлари ёзилган видео кассеталардан ҳам фойдаланишни унутмади.

Судланувчи Қурбонов Абдулла Бердиевичнинг судда берган кўрсатмасидан кўчирма:

Мен укам Романжонни босиб кетган ҳайдовчини қамалмай қолганлиги сабабли ундан ўзимча қасос олмоқчи бўлдим ва онамга (марҳум) ҳайдовчи Якубов Икромни ўлдиришимни айтиб, қасам ичдим. Бу ишга беш йил давомида чет эл фильмларидан сабоқ олиб, тайёргарлик кўрдим".

Ҳа "жангари бола" беш йил ичида тоғни урса талқон қиладиган, забардаст йигитга айланди. Режасини амалга ошириш фурсати яқинлашганини ҳис қилиб, уйлардаги ошпичоқни чархлаб, ўткир ҳолатга келтирди. Фильмлардаги жангариларнинг қурол-яроғи кўп бўлишини ҳисобга олиб, бир ярим қаричлар чамаси темир бўлакчасини ҳам чархлаб, учини найза ҳолатига келтирди. Ушлашга қулай бўлиши учун ип ўради, бўғиш учун сим, мурдани бўлакларга бўлиб, уларни солиш учун катта сумка, гўшт чопадиган болтача... ҳаммасини қора рангли рюкзак ичига жойлаштирди. Бундан ташқари "ҳар эҳтимолга қарши" қайчи, кичкина ойна олишни ҳам унутмади.

Унинг олдида бир муаммо турарди: у Якубов Икромни бор-йўғи икки-уч бор кўрган. Ўшандан буён орадан беш йил вақт ўтди. Энди кўрса, таний олармикан?

2004 йил 4 февраль куни соат 21.00 ларда "жангари бола" қуролланиб, разолат сари биринчи қадамини қўйди. У Хива шаҳар "Қўша Дарвоза" бекатидаги такси автомашиналари тўхтаб турган жойга келиб, "мижози"ни ахтара бошлади. Йўловчи кутиб турган "Тико" русумли автомашина ҳайдовчиси Исмоилов Алишер ташқи қиёфасидан Икромга ўхшатиб, ундан "Қора қум" ширкат хўжалигига ташлаб қўйишни илтимос қилди. Ҳайдовчи билан кира ҳақи келишилгач, улар йўлга тушдилар.

Ҳайдовчи "жангари бола"нинг кўринишидан хавфсираб, қоронғуда у билан бирга боришга қўрқди ва йўл-йўлакай ёнига дўконда ишлайдиган ўртоғи Фарҳодни ҳамроҳликка олди. "Жангари бола" ҳайдовчининг ёнига ўртоғи ўтиргани сабаблими ёки укасини уриб кетган ҳайдовчи бу эмаслигини англабми манзилига етмасдан йўлда тушиб қолди.

Судланувчи Қурбонов Абдулла Бердиевичнинг суддаги кўрсатмасидан:

"Хива ширкат хўжалигига етганимда бу одам укамни босиб кетган ҳайдовчи эмаслигини сездим ва йўлда тушиб қолдим. У укамни босиб кетган ҳайдовчи бўлганида, аниқ ўлдирардим".

2004 йил 5 февраль куни соат 19.00 лар атрофида "жангари бола" яна Хива шаҳар "Қўша Дарвоза"га бориб, 4 соат кутиб, ниҳоят соат 23 ларда оқ рангли "Тико" автомашинаси ҳайдовчиси Мадаминов Мадаминнинг ёнига яқинлашиб, "Ота дарвоза"га ташлаб қўйишни илтимос қилди.

Кўнглида кири йўқ Мадамин кўпам ҳақ талашиб ўтирмай "жангари боланинг қабиҳ ниятидан бехабар, уни арзимаган пулга айтилган жойга олиб боришга рози бўлади.

– Сиз олдин қаерда ишлагансиз? Қизил рангли "Москвич"ингиз бормиди? "Жангари бола"нинг совуққонлик билан берган саволидан ҳайрон бўлган Мадамин жавоб бермасдан, кулиб қўя қолди.

Унинг бу кулгисидан "жангари бола" "ҳа, укангни машинада босиб ўлдирган ҳайдовчи менман" деган маънони англади. Улар "Ота дарвоза"га етганларида йўловчи унга кўприк томонга ҳайдашни буюрди. Мижозининг нияти бузуқлигини англаб етган Мадамин кўприк томонга бир оз юргач, автомашинасини тўхтатиб: "Манзилингга келдик, у ёғига ўзинг етиб оларсан, хизмат ҳаққинг ҳам керак эмас" деб самимий мулозамат кўрсатди.

"Жангари бола" кутилмаганида рюкзагидан пичоғини олиб, ҳайдовчининг бўйнига санчди. Мижозидан бундай муомалани кутмаган Мадамин оғир жароҳат олишига қарамасдан қаршилик кўрсатиб, машинадан тушиб қоча бошлади.

"Жангари бола" қўлида пичоқ, бир қўлида аввалдан тайёрлаб қўйган нишли темир бўлаги билан Мадаминнинг орқасидан қувиб етгач, орқасига бир неча марта пичоқ урди. Мадамин бу ваҳшийнинг қўлидан қочиб қутулиш қийинлигини ҳис қилиб, бор кучини тўплаб, унинг ёқасидан олди, бир неча бор урилган пичоқ зарби ўз таъсирини кўрсатиб, ёвуз йигитга қаршилик кўрсата олмади. Мадаминнинг ўнг елкасига зарб билан урилган пичоқ синиб кетди. У мувозанатини йўқотиб чўккалаб ўтириб қолди. "Жангари бола" уни турғазишга ҳаракат қилиб, силталаганича: "Айт, сенмидинг укамни ўлдирган қотил, сенмидинг айт, айт", дея бақирди.

Мадаминнинг тили зўрға айланиб, "сени ҳам, укангни ҳам танимайман" – деганича ҳушдан кетиб йиқилди.

– Алдаяпсан, ёлғон айтаяпсан, укам Романжоннинг қотили сенсан! Мана бу – қамалмай қолганинг учун, мана бу – устимдан масхаралаб кулганинг учун! Мана сенга, мана сенга...

Жазавага тушган ваҳший қўлидаги синган пичоқни улоқтириб, темир бўлаги билан сўнги нафасини олаётган Мадаминнинг дуч келган жойига ураверди, ураверди...

Гилам комбинати томонидан келаётган автомашинанинг чироқлари қутурган йигитчанинг кўзларини қамаштирмаганда у Мадаминни тилка-пора қилиб ташлаши ҳеч гап эмасди.

Икки йиллик йигитлик бурчини Афғонистон ўтаган, мардлиги, жасорати учун орден билан тақдирланган, ўт ичидан тирик чиққан, икки фарзанднинг отаси, эндигина 38 баҳорни қаршилаётган Мадамин Мадаминов адашган, аламзада, нодон қотил – 11-синф ўқувчиси Абдулла Қурбоновнинг қурбонига айланди.

"Жангари бола" тез орада Хива туман ИИБ ходимлари томонидан қўлга олиниб, жиноят юзасидан тўпланган материаллар судга оширилди.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди ушбу ишни атрофлича ўрганиб чиқди. Қурбанов Абдулланинг вояга етмаганлигини ҳисобга олиб, ўн йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарилди.

**Х. САТИМОВ,**
*Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг судьяси*

**Бекмурод УСМОНОВ,**
*милиция катта сержанти.*

Республика ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" РБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Чирчиқ шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги А. Холматовга отаси, ички ишлар идоралари фахрийси **Эргаш ХОЛМАТОВ**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбарияти ва шахсий таркиби шу хизмат ходими, милиция капитани Б. Мўминовга отаси, ички ишлар идоралари фахрийси **Нурмамат МЎМИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Республика ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" РБ алоҳида милиция батальони раҳбарияти ва шахсий таркиби батальон сардорининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти В. Норқуловга онаси **ИСТАТ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят бўлим мудири С. Шодиевга опаси **Мастура АБДУЛЛАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги А. Мусурмоновга укаси **Иброҳим МУСУРМОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сиз кутган учрашув

**Бугунги саҳифамиз меҳмони – хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нилуфар Раҳматова. Санъаткор билан суҳбатимиз Ватан, тинчлик ва инсонийлик хусусида кечди.**

# ДУНЁНИ ҲАЛОЛЛИК ҚУТҚАРАДИ



**– Тинчликни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Менга биров: "Сенга бир тоғ тилла бераман, фалон ерда фитна уюштир", – деса, икки дунёда ҳам кўнмайман. Тангрига беадад шукрки, менга Ватанни севишдек бахт ато этган. Аммо шундай қабиҳ ишларга қўл ураётган аёллар орамизда бор.**

– Афсуски бор. Эшитиб ҳайрон қоламан, наҳот шу ишларни ўзбек аёли қилган бўлса деб. Ахир, биз Тўмарислар, Барчинойлар авлодимиз-ку! Юртда жанжал, уруш бўлиб турса, кўнгилга ҳеч нарса сиғмайди. Қани, шўх қўшиқ айтиб, ҳечқурса ҳиргойи қилиб кўринг-чи! Айтолмайсиз. Чунки сизда юрак бор, юракда эса Ватан муҳаббати бор.

**– Буюк тасаввуф алломаси Муҳаммад ал-Жазарий "Дунёнинг ичига кир, сайр қил, кўр, аммо эҳтиёт бўл, дунё сенинг ичингга кирмасин" деган...**

– Инсон қаерда ва қандай вазиятда бўлмасин ўз қадрини билиши лозим. У ўз қадрини топдими, демак ўзлигини, ўзини топди. Дунё шундай нарсаки, одамзодни йўлдан оздиради. Боладан, онадан жудо қилади шу нафс йўлида. Ҳар ким дунё билан эмас, дунё у билан ҳисоблашсин. Аслини ўйлаб кўрганда, чин инсон ҳамиша тинчлик истайди.

**– Энди икки оғиз ижодингиз хусусида тўхталсангиз...**

– Ижодимдаги энг сара янгиликлардан бири – устозим Хайрулла Лутфуллаев билан биргаликда мумтоз қўшиқлар устида ишлаяпмиз. Тер тўкяпмиз. У киши менга ҳали аёл киши айтмаган "Тошкент ироқи", "Бозиргони", "Чапандози гулёр" каби бир қанча қўшиқларни ўргатяптилар. Нега мақом йўналишда ижод қиляпсиз, деган савол туғилиши табиий. Қўшиқни бу мақом, бу эстрада дея ажратмайман. Мақом йўлида ижро этишдан аввал кўп нарсани – тасаввуфни, Фузулий, Навоий каби буюк шоирлар ижодини ўргандим. Изланишлар самараси ўлароқ, бугун мақомга қўл урдим. Менимча, бу йўлда омадим келди. Биринчи аудиокассетам 2002 йили чиқарилган эди, мухлислар яхши кутиб олди. Эндиги ният ва орзу мумтоз ашулалар ёзилган иккинчи аудиокассетани чиқариш. Шу ҳаракатда юрибмиз.

**– "Постда" газетаси ўқувчиларига тилакларингиз?**

Юрт тинчлигини қўриқлашда барча ички ишлар ходимларига куч-қувват, бардамлик тилайман. Шу ходимлар сабаб хотиржамлик, осойишталик сақланаяпти. Доим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, ҳеч бир оилага, ҳеч бир аёлга гард қўнмасин. Муштарийлар хонадонидан қут-барака ва ризқ-рўз аримасин.

Инсон изланиш, ўрганиш тинимсиз меҳнат қилиш билан камолга етади. Ҳеч биримиз изланишдан тўхтамайлик. Камолга етишнинг энг олий нуқтаси ҳалолликдир. Гўзаллик дунёни қутқарганидек, ҳалоллик ҳам дунёни, одамзодни қутқаради.

**Нодира ДАВРОН суҳбатлашди.**

Бир куни...

# ЗАМОНАВИЙ «РИЦАРЛАР»



*Жанубий вилоятлардан пойтахтга келаётган йўловчи ташийдиган автобуслар мен хизмат қилаётган "Сардоба" йўл-патрул хизмати масканида тўхтаб ўтишади. Навбатдаги автобус келди. Одатдагидек йўловчиларни кузата бошладим. Уч-тўрт нафар йигитлар пастга тушиб, Қозоғистонга чиқувчи чегара маскани томон йўл олишди. Улар гарчи гавдаси, кўриниши тузуккина бўлсада, жуда чарчаган одамдай, хорғин қадам ташлашарди. Автобусда роса толиқишибди-да, деган хаёлга бордим. Улар 50-60 метрлар юришганди, қаердандир бир эшак пайдо бўлиб, ёнларидан чопиб ўтди. Ўзини четга олмоқчи бўлган йигит ортига сал тисарилди-ю, ўтириб ўрнидан туролмай қолди. Шериклари эса ёрдам беришга шошилмасди. Улардан бири келиб шеригига қўл узатди, лекин ўтиргани оғирлик қилдими, юз тубан ерга йиқилди. Чопиб олдига бордим. Икковининг ҳам ранги бўздай оқариб кетган. Нарироқда турган иккитаси эса одимини тезлатиб, нари кетиб борарди. Ерда ётгани зўр бериб камзулини ечишга уринар, ўтиргани эса оёқ-қўлини қимирлатарди-ю, жойидан жилолмасди. Камзулини ечишга ёрдамлашиб, юбормоқчи бўлгандим, ажиб манзара намоён бўлди. Камзулнинг ички қисмига ўндан ортиқ чўнтак тикилган бўлиб, ҳар бири мис, алюмин парчалари билан тўлдирилган экан. Камзул оғирлигидан аранг келаётган йигитлар эшак югургандаги шамолга ағдарилиб туролмаётган экан. Тарих китобида ўқигандим, қадимги Римда бўлса керак, рицарларга қилич ўтмайдиган темир камзул кийдириларкан.*

*Замонавий "рицарлар" шу тариқа божхона, чегарачиларни чалғитиб, рангли металл парчаларини қўшни республикага олиб ўтишаркан. Суриштирувда қайтишда камзулдаги чўнтаклар спирт тўлдирилган елим идишларга ҳам асқотиши аниқланди.*

**Аваз ЖЎРАБОЕВ,**
*Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ катта инспектори, милиция капитани.*

**1.** Боғимда ... бор. Гуллайди ҳар илк баҳор (қўшиқдан). **2.** Миллий таом. **3.** "Тепса тебранмас" газ. **4.** Миллий латифалар қаҳрамони. **5.** Боксдаги ҳолат. **6.** Ёш, ўспирин. **7.** Фарғона водийсидаги қишлоқ. **8.** Араб ҳарфи. **9.** Молекуладан ҳам кичик модда. **10.** Тўппонча тури. **11.** Ақлсиз, тентак. **12.** Нурли, порлоқ. **13.** "Кекса"нинг антоними. **14.** Эркаклар исми. **15.** Куяга қарши дори. **16.** Фарёд чекувчи. **17.** Милтиқнинг оғзи қаратилган нарса. **18.** Республикамиздаги вилоят. **19.** Нотайин, номаълум. **20.** Тақводор, диндор. **21.** Азиз неъмат. **22.** Яққол кўриниш. **23.** Унинг бир грамми отни ўлдиради. **24.** Узук тури. **25.** Торли асбоблар чалиш мосламаси. **26.** Шоти. **27.** Жун ўрнидаги сунъий тола. **28.** Ҳамзанинг тахаллуси. **29.** Анорнинг асосий хусусияти. **30.** Айб, қусур. **31.** Ўрта Осиёдаги давлат. **32.** Сунъий газлама. **33.** Кавказликлар исми. **34.** Нозик, рамақижон.

# «Н» БИЛАН БОШЛАНИБ, ТУГАЙДИ



**ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

ЭНИГА: **1. Синтезатор. 2. Аристофан. 3. Мош. 4. Аброр. 5. Адо. 6. Нукра. 7. Се. 8. Ранг. 9. Рим. 10. Фет. 11. Қон. 12. Зулук. 13. Ва. 14. Аъло. 15. Нил. 16. Ван. 17. Порт. 18. Анд. 19. Дил. 20. Қува. 21. Сўм.**

БЎЙИГА: **1. Самарқанд. 2. Ирода. 3. Пи. 4. Нишон. 5. Лол. 6. Сангзор. 7. Бурун. 8. "ТУ". 9. Зор. 10. Қилич. 11. Формула. 12. Тараф. 13. Квас. 14. Онт. 15. Севан. 16. Ракета.**

КРИПТОГРАММА

**Ақл-умр посбони.**

*(Ҳикмат).*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir **Shuhrat MURODOV**

Nashr uchun mas'ul **Erkin SATTOROV**

Navbatchi **Qobiljon SHOKIROV**

Mas'ul kotib **Rahmatilla BERDIYEV**

Sahifalovchi **Zokir BOLTAYEV**

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 139-73-88. muxbirlar bo'limi 139-77-23, 59-27-15. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

- *Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart*
- *Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.*
- *Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.*

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000239. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq. 51821 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 20.00. Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa kombinatida chop etildi.

Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Ⓝ —Internet va xorijiy matbuot vositalarii asosida tayyorlandi.